

СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 30 (1354) • 2020 йил 28 июль

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҒДА

Автотранспортга сугурта қопламаси олинмишида солиқ оқибатлари

2-бет

Импорт қилишда қўшимча ҳисобланган ҚҚС чегираладиган харажатми?

3-бет

Август. Солиқ тўловчининг тақвими

4-бет

Бухгалтерларга экспертлар тавсиялари: ҚҚС, фойда солиғи, ресурс солиқлари, ортиқча тўлов, штрих-код харажатлари

5-12-бетлар

Ходимга квартира сотилди. Қандай солиқлар солинади?

14-бет

Божхона почтаси: қандай битим ташқи савдога тааллуқли бўлади?

16-бет

Президентнинг 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармони билан аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди (Фармон матни «Норма маслаҳатчи» газетасининг мазкур сони хужжатлар пакетиде берилмоқда).

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ҚЎШИМЧА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Фармонга мувофиқ, умумий овқатланиш корхоналари 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар айланмадан олинмадиган солиқни тўлашдан озод қилинди.

Ушбу корхоналар штабни кенгайтиришлари мумкин – улар учун ходимларнинг йиллик ўрғача сони 25 нафардан 50 нафарга оширилади, бу кичик корхоналар тоифасига кириш ҳамда кичик бизнесга таъбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш имконини беради.

Умумий овқатланиш корхоналари 2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб истеъмолчиларга овқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туташ бўш ер участкаларида энгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда ҳокимликни хабардор қилиш керак бўлади. Конструкциялар Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган талабларга риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши, қурилиши ва фойдаланилиши керак.

Бундан ташқари ушбу турдаги тадбиркорлик субъектлари 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғини тўлашдан озод қилинади ва бундан маҳсулотларни етказиб бериш орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Ижарага берувчиларга тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш тавсия этилди. Хусусан, 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар:

- биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинмадиган солиқни тўлашдан озод этилади;
- жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича ЖШДС тўлашдан озод этилади;
- бинолар ва автомобиль транспортни ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ солиш мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади.

2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорлик субъектлари автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилишлари мумкин. Ҳокимлик билан шартнома тузиш ўрнига – солиқ органлари хабардор қилинади. Унда савдо муддати, маҳсулоти ва транспорт тўхташи тақиқланмаган жойларни кўрсатиш керак бўлади. Хабарномани ДСҚнинг расмий сайти ва мобиль иловалар орқали электрон шаклда бепул жўнатиш мумкин.

2020 йилда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини 5 кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилганлик учун жарима солинмайди. Санкциялар қўлланмайдиган аниқ ҳолатлар ДСҚ томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, бир қатор имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди:

биринчидан, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг 5%дан 3%га пасайтирилган ажратмалари миқдори 31 декабрга қадар амал қилади (аввалбосдан ушбу имтиёзнинг амал қилиши 19.03.2020 й. ПФ-5969-сон Фармон билан 1 октябргача белгиланган эди);

иккинчидан, куйидагилар учун илгари белгиланган имтиёзлар 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилди:

- а) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан куйидагиларни озод қилиш бўйича:
 - кичик тадбиркорлик субъектлари;
 - бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банклар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

б) микрофирма ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкасини 12%дан 1%га пасайтириш бўйича, акцизоти маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши 50% ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно. Бунда умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўллаиди;

в) бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шarti билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона бож ва акциз солиғини тўлаш муддатини кечиктириш тақдим этиш бўйича;

г) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қардорликни ундиришни тўхтатиш бўйича;

учинчидан, «Махалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон, вилоятлар, пойтахт, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига беғараз ёрдам бериш (беғараз ёрдам олиш) қисмида фойда солиғи, ҚҚС, айланмадан олинмадиган солиқ ва ЖШДС бўйича имтиёзлар ҳам йил охирига қадар амал қилади.

Аудиторлар, риэлторлар, баҳоловчилар, актуарийлар, аптека ва уларнинг филиаллари мудирлари, туристик ташкилотларнинг ишчилари ва gidлар (экскурсоводлар), хоржий тилларга ўқитувчиларнинг 2020 йил 1 мартда тугайдиган малакавий сертификатлари муддати наватдаги малакавий имтиҳонларни ўтказиши санасига қадар узайтирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.07.2020 йилдан кучга кирди.

Олег ЗАМАНОВ.

АМИР ТЕМУР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ ҚУРАШГАН?

✓ ТАРИХДАН САБОҚ

Мансабдор шахснинг бойиш мақсадида ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларини суистеъмол қилиши – коррупция энг қадимий жиноятлардан бири ҳисобланади. Ер юзидаги турли давлатлар ўтмишда ва ҳозирда дунёнинг барча қитъаларида коррупцияга қарши муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кураш олиб борганлар ва олиб борадилар ҳам. Лекин ҳозирча уни батамом йўқ қилишнинг йўли топилаганича йўқ.

Ўрта асрларнинг йирик давлат арбоби, марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ҳам ўз

давлатида коррупцияга қарши кескин курашган. Тарихчи олима Шоҳиста Ўлжаеванинг кайд этишича, Соҳибқирон мансабпараст ва молпараст амалдорларнинг ўз мақсадларига етишиш учун ҳар қандай йўлга кириши, бунинг оқибатида коррупция урчиши мумкинлигини яхши тушунган.

Амир Темур ҳукмдорга хиёнат, порохўрлик, мансабини суистеъмол қилиш, халқ манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиш сингари ўта хавфли иллатларни қатъий чоралар билангина бартараф этиш мумкинлигини чуқур англаб, уларга нисбатан чора-тадбирлар қўллаган.

15-бетда



АЛКОГОЛЬ БОЗОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Президентнинг 23.07.2020 йилдаги ПФ-6033-сон Фармони билан соҳага бир қатор ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган (Фармон матни «Норма маслаҳатчи» газетасининг мазкур сони ҳужжатлар пакетидида берилмоқда).

2020 йил 1 августдан бошлаб:

- алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, шунингдек умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқига рухсат берувчи гувоҳнома чекланмаган муддатга берилади (ҳозир энг кўп амал қилиш муддати – 2 йил, тахр.);

- ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация худудлари-

да (жойларида) реализация қилинган табиий вино (қадоклангандан ташқари) маҳсулотларига ноль даражали ставка бўйича акциз солиғи солинади;

- ишлаб чиқарувчилар истеъмол этил спиртининг 50% ҳақини олдиндан тўлаш шартларида реализация қилиш ҳуқуқига эга (ҳозир – 100%).

2020 йил 1 октябрдан бошлаб лицензия ёки рухсат гувоҳномаларисиз ишлаб чиқарилган ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировкаланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркази мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далолат берувчи ҳолатлар бўйича текширишларнинг янги тури жорий этилади. Уларни

ташқил этилган Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги бизнес-омбудсманни хабардор қилган ҳолда ўтказилади.

Истеъмол ва техник этил спирти ташиладиган автотранспортга нисбатан янги талаблар, хусусан 2021 йил 1 июлдан бошлаб реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) босқичма-босқич жорий этилади.

Алкоголь рекламаси ҳам либераллаштириладиган бўлди. Маҳаллий кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотлари учун истисноли ҳолатлар жорий этилади. Икки ой муддатда уларнинг рекламасига кўйидаги ҳолларда рухсат берилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси

ишлаб чиқилади:

- мехмонхоналарда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари савдо залининг ички қисмида ҳамда маҳсулотларни намойиш ва дегустация қилиш жойларида;

- ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналарининг расмий веб-сайтларида;

- темир йўл ва ҳаво транспорти воситаларида;

- ОАВда маҳаллий вақт билан соат 23:00 дан 07:00 гача намойиш қилинишига.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.07.2020 йилдан кучга кирган.

✓ ЖАВОБ БЕРАМИЗ

АВТОМОБИЛНИ ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ

? Корхона ҚҚС ва фойда солигини тўлайди. Автотранспорт воситасини истиёрий суғурта қилиш тўғрисида шартнома мавжуд. 2020 йил май ойида техник ЙТХ содир бўлди (тош олд ойинани синдириди). Олд ойинани алмаштириш харажатлари 3 200 000 сўмни ташкил қилди. Суғурта компанияси 2 500 000 сўмни қоплаб берди.

1. ЙТХ натижасида автомобилни таъмирлаш харажатлари ва суғурта компанияси томонидан қопланган сумма бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

2. Суғурта компаниясидан суғурта қопламасининг олинishi қандай солиқ оқибатларида олиб келади?

Бухгалтерия ҳисобида автомобилни таъмирлашга қилинган харажатлар ва уларнинг бир қисми суғурта компанияси томонидан қопланиши куйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Ҳўжалик амалиёти мазмуни	Ҳисобварақлар корреспондентияси		Сумма, сўм
	дебет	кредит	
Автомобилни таъмирлаш учун харажатлар амалга оширилди, суғурта компанияси томонидан қопланиши кутилмоқда	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар»	3 200 000
Суғурта компанияси томонидан зарарнинг бир қисми қопланди	5110-Ҳисоб-китоб сўти	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	2 500 000
Таъмирлашга қилинган харажатларнинг қопланмаган қисми харажатларга олиб борилди	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	700 000

Суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (қопламаси) кўринишида олинган маблағлар фойда солиғи солиш мақсадларида даромад сифатида ҳисобга олинмайди (СК 304-м. 10-б.) Шу сабабли улар Фойда солиғи ҳисоб-китобида акс эттирилмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚАДАН ШЖБПҲга БАДАЛЛАР

? Ходима 2020 йилнинг июль ойида 2 ёшгача бўлган бола парвариши бўйича таътилга чиқди. Унга 434 000 сўм миқдориди нафақа тўланади. Бу нафақага ШЖБПҲга бадаллар ҳисобланадими?

– 2 ёшгача бўлган бола парвариши бўйича нафақа ходиманинг бошқа даромадлари бўлиб ҳисобланади (СК 377-м. 15-б.). Солиқ кодексиди мазкур нафаканинг ЖШДСдан озод этилиши назарда тутилмаган.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромади)нинг ЖШДС солинадиган суммасидан ҳисобланади, бунда ушбу сумма ҳисобланган ЖШДСдан

тегишинча чегирилади (Низомнинг 3-б., АВ томонидан 06.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ходимнинг бошқа даромадларига ЖШДС солинади, шу сабабли улар бўйича ШЖБПҲга бадаллар ҳам ҳисобланади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-м.).



УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси кўшимча қўллаб-қувватланади
– Алкоголь бозориди ўзгаришлар
1-2-бетлар
- **КОРРУПЦИЯ – ОҚИБАТИ ОҒИР ИЛЛАТ**
– Амир Темур коррумпцияга қарши қандай курашган?
– Ким қандай курашади? **1, 15-бетлар**

- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
– Автомобилни таъмирлаш харажатлари ва суғурта қопламасининг бухгалтерия ҳисоби
– Бола парвариши бўйича нафақадан ШЖБПҲга бадаллар
2-бет
- **МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ**
– Импорт қилинган товарларни реализация қилишда кўшимча ҳисобланган ҚҚС қандай ҳисобга олинади
3-бет
- **СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР**
– Солиқ тўловчининг таквими
4-бет

- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
– Преференциялар ҳисоботда қандай акс эттирилади
– Ишлаб чиқариш харажатлари – фойда солиғи ҳисоб-китобида
– Айланмадан олинадиган солиқ; ҳисоботни тўдиришнинг ўзини хосликлари
– Ҳисоб-китобда ижтимоий солиқнинг иккитадан ортиқ ставкасини акс эттириш
– Узоқ муддатли контрактлар бўйича даромадлар: ҳисоб-китобда акс эттириш
5-12-бетлар

- **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**
– Оммавий оферта
13-14-бетлар
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
– Амортизацияланмайдиган активлар
– Ассойи воситаларни сотиш оқибатлари
– Хусусий болалар боғчаси учун солиқлар
14-бет
- **БОЖХОНА**
– Ташки савдо контрактлари – резспорт
– Маърифий иммунитет хосил қилиб...
16-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белги-лангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҚЎШИМЧА ҲИСОБЛАНГАН ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ



Товарларни импорт қилишда бюджетга ундан ҚҚС тўланган қиймат ва ушбу товарлар реализация қилинган қиймат ўртасидаги ижобий фарққа қўшимча ҚҚС ҳисоблаш масаласи ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Импорт қилувчи ташкилотнинг бундай харажати фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегириладиган харажат ҳисобланадими? Молия вазирининг ўриябосари Дилшод СУЛТОНОВ ушбу масала бўйича тушунтириш беради.

– Товарларни импорт қилишда божхона органи товарнинг божхона қийматини ҳисоблайди, у контракт (инвойс) бўйича товар қийматидан кўп бўлиши мумкин. Божхона қиймати божхона тўловлари – божлар, ҚҚС ва бошқалар ҳисоб-китоби учун қўлланилади. Товарлар импорт қилувчи корхонанинг ҳисобида етказиб бериш қийматидан келиб чиқиб ҳисобга олинади (товарлар қийматини белгилаш тартиби 4-сон БҲМСда назарда тутилган). Товари реализация қилиш нархи бозор конъюктурасига боғлиқ. Яъни реализация қилишдан олинган тушум товарнинг божхона қийматидан паст бўлиши ҳам мумкин.

Бу ҳолда харидордан олинган ва реализация қилиш чоғида ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС божхонада тўланган ҚҚСдан паст бўлади. Товарларни импорт қилишда бюджетга ҳақиқатда бюджетга тўланган ҚҚС ва битим тарафлари томонидан қўлланилган ушбу товарларни реализация қилиш нархидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ҚҚС суммаси ўртасида ижобий фарқ ҳосил бўлади. Ушбу фарқ иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган ва фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда жами даромаддан чегириладиган харажатга киритиладими?

Аввал ҚҚСнинг ўзига аниқлик киритамиз

Товарларни импорт қилишда ҚҚС бўйича солиқ базасига қуйдагилар киритилади (СК 254-м. 1-қ.):

- товарларнинг божхона қиймати;
- акциз солиғи, агар акциз солиғи тўланадиган товарлар олиб кирилса;
- божхона божи.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати Божхона кодексига назарда тутилган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулларидан бири орқали аниқланади ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланилади (БК 301-302-м.).

Импорт қилинган товарлар бўйича ҳақиқатда тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинади (СК 266-м. 1-қ. 3-б.).

Шу билан бирга, олиб кирилган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида солиқ базаси ушбу товарларни олиб кириш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас (СК 248-м. 5-қ.).

Фойда солиғи ҳисоб-китобида бу қандай ҳисобга олинади

Юридик шахслар-солиқ резидентларидан олинган фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлаш чоғида жами даромаддан даромад олиш билан боғлиқ барча харажатлар чегириб ташланади, бундан чегириб ташланмайдиган харажатлар мустасно (СК 317-м.).

Солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистонда ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот даври давомида амалга оширилган, асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (СКнинг 333-336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса зарарлар) харажатлар деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Товарларни импорт қилишда ҳақиқатда бюджетга тўланган ҚҚС ва битим тарафлари томонидан қўлланилган ушбу товарларни реализация қилиш нархидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ҚҚС суммаси ўртасида ҳосил бўладиган ижобий фарқ корхона харажатларига қиради (9430-счёт). Бунда ушбу фарқ чегириладиган харажат ҳисобланади, сабаби СКнинг 305-моддасида баён этилган, фойда солиғи ҳисоб-китоби чоғида харажатларни чегириладиган харажатларга киритишнинг асосий тамойилларига мувофиқ келади. Бу харажат:

- даромад олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун қилинган;
- ҳужжат билан тасдиқланган (БЮД, инвойс ва ҳ.к.);
- қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқади (СК 248-м. 5-қ.).

Мазкур сумма фақат ҚҚС бўйича ҳисоботда акс этади ва товар харидорлари билан ҳисоб-китобларга қандайдир тузатишлар киритишни талаб этмайди.



МИСОЛ. Ижобий фарқни ҚҚС бўйича ҳисоботда акс эттириши

2020 йилнинг май ойида ҚҚС тўловчиси ҳисобланган корхона ички бозорда реализация қилиш мақсадида товарни импорт қилди. Товарнинг контракт бўйича қиймати 158 990 минг сўми, божхона қиймати – 230 000 минг сўми, божхона божи – 11 500 минг сўми, импорт қилиш чоғида ҚҚС ҳисоб-китоби учун база – 241 500 минг сўми (230 000 + 11 500) ташкил этди. Товарнинг божхона расмийлаштируви чоғида ҳисобланган ҚҚС 36 225 минг сўми (241 500 x 15%) ташкил этди. Солиқ тўлиқ тўланди ва ҳисобга олинди.

2020 йилнинг июль ойида корхона товарни 230 000 минг сўмга ҚҚС билан реализация қилди. Харидорга ҳисобварақ-фактурада 30 000 минг сўм миқдорда (230 000 / 115 x 15) ҚҚС тақдим этилди.

Товар харидорига тақдим этилган ҚҚС олиб кириш (импорт қилиш)да ҳақиқатда тўланган ва ҳисобга олинган ҚҚСдан камлиги боис, бюджетга корхона мазкур операция бўйича 36 225 минг сўм ҳисоблаши керак.

6 225 минг сўм (36 225 – 30 000) миқдордаги фарқ давр харажатларига киритилади.

ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йида 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ушбу операция бундай акс эттирилади:

ҚҚСни ҳисобга олиш май ойида акс эттирилади:

– БЮД кўрсаткичлари Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига (ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова) киритилади: етказиб бериш – 241 500 минг сўм, ҚҚС – 36 225 минг сўм;

– ушбу суммалар автоматик тарзда ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илованинг 010-сатрида акс эттирилади;

ҚҚС ҳисоблаш июль ойида акс эттирилади:

– ҳисобварақ-фактура кўрсаткичлари Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига (ҚҚС ҳисоб-китобига 5-илова) киритилади:

• етказиб бериш – 200 000 минг сўм, ҚҚС – 30 000 минг сўм;

– ушбу суммалар автоматик тарзда ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 0102-сатрида акс эттирилади;

– товарни импорт қилиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун олинган қиймат ва уни ҚҚСсиз реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ – 41 500 минг сўм (241 500 – 200 000) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 0104-сатрининг 3-графасида акс эттирилади. Тузатиш киритилган солиқ базасининг ушбу суммасига қўшимча ҚҚС суммаси ҳисобланади – 6 225 минг сўм.

Фойда солиғи бўйича ҳисоботда (3-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.) қўшимча ҳисобланган ҚҚС суммаси – 6 225 минг сўм чегириладиган харажатларга киритилади ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0116-сатрида акс эттирилади.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

2020 ЙИЛ АВГУСТ

20 АВГУСТ

2020 йил август ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинмаган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни *****

(Солиқ кодекси, 448-модда, 3-қисм)

2020 йил июль ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)

23 АВГУСТ*****

2020 йил август ойи учун жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни*****

(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 7, 8-қисмлар)

Маълумот учун! Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармонида мувофиқ бундай солиқ тўловчилар 2020 йил II чоракдан бошлаб ўтган чоракдаги натижалар бўйича ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланмаган ҳажмдан келиб чиқиб, Фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишга ҳақли.

25 АВГУСТ

2020 йилнинг июль ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларини қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлаш шартлари ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

Эътибор беринг! Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Улар Президентнинг қуйидаги фармонларида акс эттирилган:

- 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон
- 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон
- 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон
- 28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон
- 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон
- 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон.

*Айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар томонидан ер солиғини йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

**Айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

*** Қуйидагилар бундан мустасно:

- йиллик ҳисоботни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа органлар;
- молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай тақдим этадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этадиган юридик шахс мақомига эга бюджет ташиқлотлари.

**** Ҳисоб-китоб ортиб бормайдиган якун билан, айни 2020 йил июль ойи учун кўрсаткичлар билан тўлдирилади.

***** Солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловлари ҳар чорак учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўланади.

***** Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловнинг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

***** Муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.



Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси ва «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг қайтадан чоп этилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

5 АВГУСТ

2020 йил июль ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фойзалар тўловидан ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)

2020 йилнинг июль ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)

9 АВГУСТ*****

2020 йил август ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига қирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнақ тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни*

(Солиқ кодекси, 432-модда, 1-қисм)

10 АВГУСТ

2020 йил июль ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)

2020 йилнинг июль ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)

мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловларини айланмадан олинмаган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил август ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)

вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа корхоналар томонидан 2020 йил II чорак учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 1-банди)

14 АВГУСТ

2020 йил июль ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юртимиз тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган)

15 АВГУСТ

2020 йил июль ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар)

2020 йил август ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 392-модда, 1 ва 2-қисмлар)

20 АВГУСТ

2020 йил июль ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни****

(Солиқ кодекси 259-модда, 273-модда, 1, 2-қисмлар)

2020 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил июль ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фойзалардан олинмаган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи



Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаш учун маълумотномаларни тақдим этиш сизнинг мажбуриятингиз эмас, балки ҳуқуқингиз ҳисобланади.

Сизга тақдим этилган бўнак тўловлари суммасини пасайтириш ҳуқуқини суиистъомол қилманг. Солиқ органлари тақдим этиладиган фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномаларга тузатиш киритиш ваколатига эга (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 10-хатбошиси).

Маълумотномани белгиланган муддатларда тақдим этмаган бўлсангиз, у ҳолда бўнак тўловларини СКда белгиланган тартибда, аввалги чорак кўрсаткичларидан келиб чиқиб тўлашингиз керак бўлади.

Солиқ солинадиган фойда камайганда

Келгуси чоракда аввалги чорак билан солиштирганда солиқ солинадиган фойда камайишини кутаётган бўлсангиз, у ҳолда бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани III чорак учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб тақдим этишингиз мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда бўнак тўловларини аввалги чорак янунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талаблар бекор қилинади.

МИСОЛ. Янгидан ташкил этилган корхонанинг бўнак тўловларини тўлаши

Корхона 2020 йил январда рўйхатдан ўтказилган. I чоракдаги жами даромади 4,8 млрд сўмни, 4 ойда (январь–апрель) эса 5,1 млрд сўмни ташкил этган.

II чоракда даромади 5 млрд сўмдан ошгани сабабли корхона III чоракдан бўнак тўловларини тўлай бошлайди. Яъни дастлабки бўнак тўлови 23 июндан кечиктирмай амалга оширилади.

Кейинги чоракда аввалги чорак билан солиштирганда солиқ солинадиган фойданинг камайиши тахмин қилинаётган бўлса, корхона III ва (ёки) IV чораклар учун бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотнома жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай тақдим этилади (МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сонли хатининг 5-б.):

- III чорак учун – 2020 йилнинг 20 июлидан кечиктирмай;
- IV чорак учун – 2020 йилнинг 20 октябрдан кечиктирмай.

Солиқ солинадиган фойда ошган тақдирда

III чоракда қутилаётган солиқ солинадиган фойда II чоракдаги ҳақиқий фойдадан ортиқ бўлса, III чорак учун бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмаслигингиз мумкин. Ушбу ҳолда 2020 йил IV чоракка ҳам татбиқ этилади.

Бу ҳолда бўнак тўловларини II чоракдаги ҳақиқий фойдадан келиб чиқиб тўлайсиз. III чорак янунларига кўра ҳи-

собланган солиқ суммаси билан тўланган бўнак тўловлари ўртасидаги фарқни 2020 йилнинг 20 октябрдан кечиктирмай бюджетга тўлаш лозим.

2020 йил II чоракда умуман фойда олинмаган бўлса, III чорак учун бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмаган бўлсангиз, II чорак кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда III чоракдаги бўнак тўловларингиз ногла тенг бўлади.

МИСОЛ. Корхона бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этмасликка қарор қилди

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2019 йилдаги жами даромади киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошган, 2020 йилда корхона фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайди.

2020 йил II чорак учун тақдим этилган солиқ ҳисоботига кўра фойда солиғи суммаси 135 млн сўмни ташкил этган.

Бўнак тўловларини СК бўйича тўлаш тартибига мувофиқ корхона III чоракда ҳар ой 45 млн сўм (135 / 3) миқдорда бўнак тўловларини тўлаши керак.

Корхона 2020 йил III чоракда даромадлари ошишини кутмоқда. 2020 йил III чоракда солиқ солинадиган фойда 1 200 млн сўмни, фойда солиғи 180 млн сўмни (1 200 x 15 %) ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Корхона III чорак учун тахмин қилинаётган фойдадан келиб чиқиб бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этса, у ҳолда ҳар ой 60 млн сўм (180 / 3) миқдорда бўнак тўловларини тўлайди.

Даер	II чорак учун ҳисобланган солиқ суммасидан келиб чиқилганда бўнак тўловлари, млн сўмда	Маълумотнома бўйича бўнак тўловлари, млн сўмда
Июль	45	60
Август	45	60
Сентябрь	45	60
Чорак учун жами	135	180

Жадвалдан кўринганидек, корхона III чоракда II чоракдаги солиқ суммасидан келиб чиқиб бўнак тўловларини тўлагани фойдалирок, бу 45 млн сўм (180 – 135) миқдордаги маблағларни вақтинча бошқа мақсадларга йўналтириш имконини беради.

Корхона солиқ ҳисоботини 2020 йилнинг 20 октябрдан кечиктирмай тақдим этиб, фойда солиғининг узил-кесил суммасини январь–сентябрь ойларининг якунига қараб аниқлайди.

Ҳисобот бўйича солиқ суммаси тўланган бўнак тўловларидан ортиқ бўлса, корхона шу муддат ичида фарқни қўшимча равишда тўлайди.



ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР ҲИСБОТДА ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРИЛАДИ

Давлат бизнесга пандемия шароитида бир неча марта ёрдам берди. Шунингдек, корхоналар ҳам шу даврда муҳтожларга ёрдам беришди. Энди фоизсиз қарзлар бўйича даромад ва фондларга ҳомийлик ёрдамини Фойда солиғи ҳисоб-китобида (3-шова, 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қандай акс эттириш кераклигини «Nopta» компанияси эксперти Олег ЦОЙ тушунтиради.

Фоизсиз қарзлар бўйича даромад қарз олувчининг жами даромади таркибига киритилмайди

2020 йил 1 апрелдан 31 декабргача (31 декабрь ҳам кирази) фоизсиз қарз (молиявий ёрдам) олинганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаштириш ставкаси (асосий ставка) асосида аниқланадиган даромад фойда солиғи ҳисоб-китобида

соблаб чиқарилаётганда қарз олувчининг жами даромади таркибига киритилмайди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон 15-б. 8-хатбошиси; МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатининг 9-б.).

МИСОЛ. Қарз олувчи томонидан фоизсиз қарз олиниши

2019 йилнинг декабрь ойида фойда солиғи тўловчиси 2 йил муддатга 200 млн сўм миқдорда фоизсиз қарз олди.

Бу ҳолда корхона фақат 2020 йилнинг I чорағига тўғри келадиган 7,956 млн сўм (200 x 16% x 91 : 366) миқдордаги пул маблағларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқидан олинган даромадни Фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-шова «Жами даромад»нинг 070-сатрида акс эттиради.

II чоракдан бошлаб ва 2020 йилнинг охирига қадар қарз олувчида фоизсиз қарз бўйича даромадлар аниқланмайди ва солиқ солинмайди. Шу боис 2020 йилнинг I ярим йиллиги учун Ҳисоб-китобда корхона I чорак учун суммани такрорлайди.

Айрим фондларга ҳомийлик ёрдами – чегириладиган харажатлар

2020 йил 1 апрелдан 1 октябрга қадар қуйидагиларга беғараз бериладиган пул маблағлари ва товарлар (хизматлар) га фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади (27.04.2020 йилдаги 5986-сон Фармон 1-б. «а» қичик банди):

- «Саховат ва кўмак» фондида;
- «Ўзбекистон меҳр-шефқат ва саломатлиқ» жамоат фондида;
- кўрсатилган фондларнинг Қорақалпоғистон, вилоятлар,

Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатида киритилган жисмоний шахсларга.

Агар сиз шундай ёрдам кўрсатган бўлсангиз ва ҳаммасини ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштирган бўлсангиз, фойда солиғини ҳисоблашда ушбу харажатларни чегиришингиз мумкин.

МИСОЛ. Фойда солиғи ҳисоб-китобида ҳомийликка харажатларни акс эттириш

Корхона 2020 йил 15 апрелда «Саховат ва кўмак» фондида 150 млн сўм миқдордаги пул маблағларини беғараз ўтказди.

Ушбу сумма Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илова «Харажатлар»нинг 0121-сатрида 3-устунда ва автоматик тарзда 4-устунда акс эттирилади.

Фойда солиғини ҳисоблашда ушбу суммани чегириш учун рўйхатдан 7819 код билан имтиёзни танлаган ҳолда Фойда солиғи ҳисоб-китобига 3-илова «Имтиёзлар»нинг 071-сатрида уни кўрсатинг.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ – ФойДА СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИДА

II чорак якунига етди. Фойда солиғини тўловчиларда ўтган даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоботда қандай акс эттирилади, деган савол юзага келади. «NORMA» компанияси эксперти Наталья МЕМЕТОВА мазкур вазиятга доир ўз тушунтиришларини берди.

– Бунда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва Фойда солиғи ҳисоб-китобига

(3-шакл, АВ томонидан 24.01.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-илованинг 020-сатрида акс эттириладиган ишлаб чиқариш таннархи ҳақида сўз бормоқда.



Ҳисоботда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг эмас, балки реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш ва реализация қилиш даврлари мос келмаслиги мумкин. Ўтган даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинаётган бўлса, харажатларни турлари бўйича ажратиш лозим бўлган 2-илованинг иккинчи қисмини тўлдираришда қийинчиликлар юзага келади.

Мураккаблиги шундаки, реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи бўйича харажатлар харажатларнинг моддалари бўйича эмас, балки маҳсулот номенклатураси

бўйича 9100-«Реализация қилинган маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ҳисоби счётлари» гуруҳи счётларида ҳисобга олинади.

Реализация қилинган маҳсулот таннархида харажатларнинг ҳар бир тури суммасини аниқлаш учун у ишлаб чиқарилган даврда маҳсулотнинг умумий таннархидаги ушбу харажатлар улушини ҳисоблаб чиқариш лозим. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланинг:

Реализация қилинган маҳсулот таннархидаги харажатлар	=	Ишлаб чиқариш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидаги харажатлар	/	Ишлаб чиқариш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	x	Реализация қилиш даврида реализация қилинган маҳсулот миқдори
ёки бухгалтерия ҳисобига нисбатан қўллаганда						
Реализация қилинган маҳсулот таннархидаги харажатлар	=	Маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда 2010-счёт харажатлари субконтоси бўйича дебет айланмаси	/	Маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда 2010-счёт бўйича умумий айланма	x	Маҳсулот реализация қилинган даврда 9100-счёт бўйича айланма

Формулалардан кўринганидек, маҳсулот ўтган даврларда ишлаб чиқарилган бўлса, харажатларнинг аниқ тури бўйича ахборотни у ишлаб чиқарилган ўтган даврлардаги маълумотлардан оламиз. У бошқа солиқ даври ҳам бўлиши мумкин.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш даврлари мос келганда худди шу формулалардан фойдаланилади. Бунда барча маълумотлар битта даврга тегишли бўлади.



Ҳар бир маҳсулот тури бўйича харажатларнинг аниқ тури суммасини аниқланг.

Ҳисоб-китоб қилиш мушкул бўлиши мумкин, шу сабабли бундай жараёнлар автоматлаштирилиши керак. Ҳисоб-китоб қилишнинг мушкуллигига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

- маҳсулот ассортиментини;

• маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш вақти орасидаги узилиш;

• ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар тарихи.

МИСОЛ. Ўтган даврларда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидаги моддий харажатлар суммасини аниқлаш Корхона ўтган даврда таннархи 10 000 минг сўмга тенг 1 000 та маҳсулот бирлигини ишлаб чиқарган. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари 6 000 минг сўмин ташкил этган.

Жорий ҳисобот даврида таннархи 7 000 минг сўмга тенг 700 та маҳсулот бирлиги реализация қилинган. Ҳисобот даврида реализация қилинган маҳсулотга тўғри келадиган хом ашё ва материаллар қийматини аниқлаймиз:

$6\ 000 / 10\ 000 \times 7\ 000 = 4\ 200$ минг сўм ёки $6\ 000 / 1\ 000 \times 700 = 4\ 200$ минг сўм.

4 200 минг сўмлик суммани рўйхатдан 7819 код билан имтиёзни танлаган ҳолда 3-илова «Имтиёзлар»нинг Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-иловасининг 020 ва 0101-сатрларига киритинг.

МИСОЛ. Ортиқча тўланган солиқни қайтариш

1 ярим йиллик учун Фойда солиғи ҳисоб-китоби тақдим этиш натижалари бўйича корхонада 100 000 минг сўм миқдорда солиқ бўйича ортиқча тўлов маъжуд.

Корхона бўнак тўловлари тўламайди ва ортиқча тўлов суммасини қайтаришга қарор қилди.

21 июль куни 100 000 минг сўм миқдорда ортиқча тўланган солиқни корхона ҳисобварағига қайтариш тўғрисида ариза берилди.

Солиқ органи 10 иш куни мобайнида, яъни 3 августдан кечиктирмай қарор қабул қилиши керак. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ортиқча тўлов суммаси корхонанинг ҳисобварағига 10 августдан кечиктирмай қайтарилиши керак.

Фойда солиғи: III ЧОРАК УЧУН БЎНАК ТЎЛОВЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА

Хўжалик фаолияти қисқарган шароитда фойда солиғини тўловчиларга бўнак тўловларини аввалги чорак якунлари асосида эмас, балки бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали қутилаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб тўлаш ҳуқуқи берилди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 10-хатбоши).

«Notia» компанияси эксперти Олег ЦОЙ бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномаларни кимлар тақдим этиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида гапириб берди.

Бўнак тўловларини кимлар тўлайди

Эслатиб ўтамыз, фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини қуйидаги солиқ тўловчилар тўлайди:

1) 2019 йилдаги жами даромади киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар тўловларини ҳисобот чорағи ҳар бир ойнинг 23-кунидан кечиктирмай тўлайди (СК 340-м. 2-қ.).

Солиқ тўловчиларнинг ушбу тоифаси 2020 йил мобайнида жами даромад ҳажмлари камайган тақдирда ҳам уларни тўлайди.

2020 йил якунларига кўра бундай солиқ тўловчининг жами даромади 5 млрд сўмдан ошмаса, у 2021 йилдан бошлаб бўнак тўловларини тўламасликка ҳақли бўлади.

2) 2020 йил мобайнида жами даромади 5 млрд сўмдан ошган корхоналар уларни бундай ўшиб кетиш содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди. Ушбу қоида янгидан ташкил этилган корхоналарга ҳам тааллуқли.

Бўнак тўловлари суммаси солиқ органлари томонидан аввалги чорак кўрсаткичларидан келиб чиқиб аниқланади (СК 340-м. 8, 11-қисмлар).



Қуйидагилар жами йиллик даромад миқдоридан қатъи назар, бўнак тўловларини тўламайдилар: бюджет ташкилотлари; ННТ, истеъмол кооперативлари бундан мустасно (СК 339-м. 6-қ., 340-м. 12-қ.).

ВАЗИЯТ. 2019 йилда ташкил этилган корхона учун бўнак тўловлари

Корхона 2019 йил 1 июлда ташкил этилган. 1.07.2019 йилдан 30.06.2020 йилгача бўлган даврдаги жами даромади 5 млрд сўмдан ошган. Фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлашга ўтиши керакми?

Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги даврлардаги жами даромад кўрсаткичларини алоҳида кетма-кетликда кўриб чиқиш лозим:

- 1.07.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача;
- 1.01.2020 йилдан 31.03.2020 йилгача;
- 1.01.2020 йилдан 30.06.2020 йилгача.

1.07.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даврда корхонанинг жами даромади киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошмаган бўлса, корхона 2020 йил I чорағида бўнак тўловларини тўламаслиги керак.

1.01.2020 йилдан 31.03.2020 йилгача бўлган даврда жами даромади киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошмаган бўлса, 2020 йил II чорағида ҳам бўнак тўловларини тўламаслиги керак. Ушбу даврдаги даромади 5 млрд сўмдан ошган бўлса, 2020 йил III чорағидан бўнак тўловларини тўлай бошлаши керак.

Нижоят, 1.01.2020 йилдан 30.06.2020 йилгача бўлган даврдаги корхонанинг жами даромади киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошмаган бўлса, 2020 йил III чорағида бўнак тўловларини тўламаслиги керак. Даромади ошган бўлса, 2020 йил III чорағидан тўлай бошлаши керак.

Маълумотнома қачон тақдим этилади

Қўллаб-қувватлаш чораси сифатида фойда солиғини тўловчилар уни аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, 2020 йилнинг II чорағидан бошлаб, қутилаётган ҳажм-

лардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлдилар (ПФ-5978- Фармоннинг 15-б. 10-хатбоши, МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сонли хатининг 5-б.).

3. Бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотларни уларда оширилган солиқ солинадиган фойда ва солиқни акс эттирган

ҳолда тақдим этган корхоналарда ҳам ортиқча тўлов ҳосил бўлиши мумкин.

Ортиқча тўлов билан қандай йўл тутиш мумкин

1-вариант. Келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиш

Ортиқча тўланган солиқ суммаси корхонада солиқ қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда худди шу солиқ бўйича бўлгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин. Бу айниқса бўнак тўловлари тўловчилари учун долзарб, сабаби 23 июлдан кечиктирмай навбатдаги бўнак тўловини амалга ошириш зарур.

Ортиқча тўланган солиқ фойда солиғи бўйича бўлгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олингандан кейин ортиқча тўлов қолдиги қуйидаги кетма-кетликда ҳисобга олиниши мумкин (СК 103-м. 2-қ.):

- 1) мазкур солиқ турининг пеняси бўйича қарз ҳисобига;
- 2) бошқа солиқлар ва уларнинг пенялари бўйича қарзни узиш ҳисобига;
- 3) солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жарималарни тўлаш ҳисобига.

Агар сиз ортиқча тўлов суммасини бошқа солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига олишга қарор қилган бўлсангиз, бу ҳақда ариза беринг. Солиқ органи ҳисобга олиш тўғрисидаги қарорни ариза олинган кундан эътиборан ёки солиқларни ўзаро солиштириш далолатномаси имзоланган кундан эътиборан 10 кун ичида қабул қилади (СК 104-м. 3-қ.).

МИСОЛ. Ортиқча тўловни бўлгуси бўнак тўловлари ҳисобига ҳисобга олиш

1 ярим йиллик якунлари бўйича корхонада фойда солиғи бўйича 150 000 минг сўм миқдорда ортиқча тўлов ҳосил бўлди. Ортиқча тўлов суммасини III чорак бўнак тўловлари ҳисобига ҳисобга олиш учун қолдиришга қарор қилинди.

III чоракда корхона 300 000 минг сўм миқдорда (ҳар ойда 100 000 минг сўмдан) бўнак тўловлари (маълумотнома бўйича ёки II чорак маълумотларидан келиб чиқиб) тўлаши керак.

Мазкур вазиятда корхона:

- июль ойида бўнак тўламайди;
- 23 августдан кечиктирмай фақат 50 000 минг сўм тўлайди;
- 23 сентябрдан кечиктирмай 100 000 минг сўм миқдорда бўнакнинг тўлиқ суммасини тўлайди.



Сизда пеня, жарималар ёки бошқа солиқлар бўйича қарз мавжуд бўлса, солиқ органи мустақил равишда ортиқча тўланган солиқ суммасини уларни қоплаш ҳисобига ҳисобга олишлари мумкин.

2-вариант. Ортиқча тўловни қайтариш

Сиз ортиқча тўлов суммасини корхонанинг ҳисобварағига тўлиқ ёки қисман қайтаришга ҳақлисиз (СК 103-м. 3-қ.). Бу бўнак тўловларини тўламайдиган корхоналар учун мақсадга мувофиқдир, сабаби фойда солиғи бўйича кейинги тўлов фақат октябрь ойида – 9 ой якунлари бўйича солиқ ҳисоблаш чоғида бўлади.

Сиз ортиқча тўлов суммасини қайтаришга қарор қилган бўлсангиз, солиқ органига тегишли ариза тақдим этинг. Солиқ органи қайтариш тўғрисидаги қарорни ариза олинган кундан эътиборан ёки солиқларни ўзаро солиштириш далолатномасини имзолаган кундан эътиборан 10 кун ичида қабул қилади. Қайтариш ариза олинган кундан эътиборан 15 кун ичида амалга оширилади (СК 104-м. 4-қ.). Бунда сизда пеня, жарималар ва бошқа солиқлар бўйича қарз бўлмаглиги керак.

Солиқ органининг тегишли суммани қайтариш тўғ-

рисидаги қарори асосида расмийлаштирилган ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтаришга доир топшириқнома солиқ органи томонидан солиқ тўловчига қайтариб беришни амалга ошириш учун газначиликка юборилади (СК 104-м. 7-қ.).

Агар ортиқча тўлов суммаси белгиланган муддат (15 кун) бузилган ҳолда амалга оширилса, белгиланган муддатда қайтарилмаган сумма учун корхонага – қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган МБнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб фоизлар ҳисобланади.

Агар ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олишни ёки қайтаришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинса, солиқ органи бу ҳақда солиқ тўловчига бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 кун ичида хабар қилиши шарт (СК 104-м. 8-қ.).



Кунлар билан ҳисобланадиган муддат, агар бу муддат календарь кунлар билан белгиланмаган бўлса, иш кунлари билан ҳисобланади. Бунда қонун ҳужжатларига мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш кунини бўлмаган байрам кунини деб эътироф этилмайдиган кун иш кунини деб ҳисобланади.

Агар муддатнинг охириги кунини қонун ҳужжатларига мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш кунини бўлмаган кун деб эътироф этиладиган кунга тўғри келса, дам олиш кунидан ва (ёки) иш кунини бўлмаган кундан кейинги иш кунини муддатнинг тамом бўлиш кунини деб ҳисобланади (СК 5-м. 7, 8-қисмлар).

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: ҲИСОБОТНИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар 2020 йилнинг яна бир чорагини бошдан кечиришди. Кўп корхоналар учун бу вақт давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қарамай, жуда қийин кечди. «Notra» компанияси эксперти Дилором САИДОВА мажбурий бекор туриб қолиш ва имтиёзларни инобатга олган ҳолда II чорак учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботни тўлдириш чоғида нимага эътибор қаратиш лозимлигини мисолларда тушунтирди.

- Мисол тариқасида қисман типик бўлган кўп тармоқли кичик корхонани оламиз: ишлаб чиқариш цехи, унча катта бўлмаган ўз кафеси ва яна корхона уни ижарага берадиган дўкончаси мавжуд. Бундан ташқари:

• ҳисобот даврида корхонада 2019 йилнинг охирида олин-

ган 10 млн сўм миқдоридagi фоиғсиз қарз мавжуд. Даромадларнинг қисқарганлиги муносабати билан корхона 1 апрелда 30 млн сўм миқдорида яна битта фоиғсиз қарз олди;

• корхонанинг валюта ҳисобварағида 3 000 АҚШ доллари мавжуд.

1-ВАРИАНТ. Корхонада II чорак учун айланмалар қисқарди

Карантин туғайли цех ва кафенинг фаолияти тўхтатилди, бироқ дўконча фаолият кўрсатиб, ижарадан олинган даромад келтирди. Ярим йиллик яқунларига кўра корхона куйидаги кўрсаткичларга эга:

Фаолият тури	I чорак учун тушум, минг сўм	II чорак учун тушум, минг сўм	I ярим йиллик учун жами тушум, минг сўм
Ишлаб чиқариш	100 000	-	100 000
Умумий овқатланиш	40 000	-	40 000
Мол-мулкни ижарага бериш	80 000	60 000	140 000
Жами:	220 000	60 000	280 000

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг 010-сатри «Реализация қилишдан олинган даромад»ни тўлдирамай (9-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

Ўлчов бирлиги сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан фаолият турлари бўйича		
			ишлаб чиқариш	умумий овқатланиш	мол-мулкни ижарага бериш бўйича хизматлар
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	280 000 000	100 000 000	40 000 000	140 000 000
Товарларни (хизматларни) текинга беришдан кўрилган зарарлар	011	0,00			
Реализация сифатида қараладиган даромадлар (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 020-сатри)	012	0,00			
Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, фоиғзда	020	100	35,71	14,29	50

2-ВАРИАНТ. Корхона II чоракда бутунлай бекор туриб қолган

Фаолият тури	I чорак учун тушум, минг сўм	II чорак учун тушум, минг сўм	I ярим йиллик учун жами тушум, минг сўм
Ишлаб чиқариш	100 000	-	100 000
Умумий овқатланиш	40 000	-	40 000
Мол-мулкни ижарага бериш	80 000	-	80 000
Жами:	220 000	-	220 000



Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби ўсиб борувчи яқун билан тўлдирилади. Шу боис, агар сизда II чоракда айланма мавжуд бўлмаса, 010-сатрда «Реализация қилишдан олинган даромад» «0» қийматини кўрсатманг. Айланмалар мавжуд бўлмаганда олдинги чорак кўрсаткичларини такрорлаш лозим.

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

Ўлчов бирлиги сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан фаолият турлари бўйича		
			ишлаб чиқариш	умумий овқатланиш	мол-мулкни ижарага бериш бўйича хизматлар
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	220 000 000	100 000 000	40 000 000	80 000 000
Товарларни (хизматларни) текинга беришдан кўрилган зарарлар	011	0,00			
Реализация сифатида қараладиган даромадлар (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 020-сатри)	012	0,00			
Фаолият турлари бўйича даромаднинг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан жами даромадларидаги салмоғи, %	020	100	45,46	18,18	36,36



Ҳатто агар корхона 2020 йилнинг II чораги учун товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан даромад олмаган бўлса ҳам, унда бошқа даромадлар мавжуд бўлиши мумкин. Мазкур мисолда корхонада текин олинган хизматлар ва курсдаги ижобий фарқдан олинган даромадлар мавжуд.

1. Фоиизсиз қарзлардан даромадни аниқлаймиз

Ҳисобот даврида корхонада иккита фоиизсиз қарз мавжуд. Олинган фоиизсиз қарзлар бўйича олиш сана-сида МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда даромадни аниқлаш

лозим (СК 299-м. 4-қ.). Ушбу даромад фақат солиқ солиши мақсадларида инobatга олинади, шу боис бухгалтерия ҳисобида ҳеч қаерда акс эттирмаймиз.



Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармони бўйича апрель ойидан бошлаб жорий йилнинг якунига қадар фоиизсиз қарзлар бўйича даромад фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблашда жами даромад таржибига киритилмайди. Шу боис ҳисоботда I чорак кўрсаткичларини тақдорлаймиз. Мазкур имтиёз нафақат 1 апрелдан кейин олинган қарзларга, балки, агар сўндирилмаган бўлса, анча олдинги қарзларга ҳам таъбиқ этилади.

Кўрсаткич	Одатдаги ҳисоб-китоб, минг сўм	Имтиёзни инobatга олган ҳолда ҳисоб-китоб, минг сўм
Фоиизсиз қарз бўйича даромад		
I чорак	$10\,000 \times 16\% / 366 \times (31+29+31) = 397,814$	397,814
II чорак	$40\,000 \times 16\% / 366 \times (30+31+30) = 1\,591,3$	-
2020 йилнинг I ярим йиллиги учун	1989,071 (397,814 + 1 591,257)	397,814

2. Корхонада валюта пул маблағлари мавжудлиги боис курсдаги ижобий фарқнинг салбий фарқдан ошишини ҳисоблаймиз

Ҳар ойнинг якунига валюта ҳисобварағидаги маблағларни қайта баҳолаш ва жами даромадга киритиладиган курсдаги ижобий фарқнинг салбий фарқдан ошиб кетишини аниқлаш лозим (СК 463-м. 6-қ.).

Ой	МБ курси	Валюта суммаси	Сўмдаги эквиваленти	Курсдаги ижобий / салбий фарқ
Йил бошига		3 000	28 522 680,00	-
31.01.2020	9 563,33	3 000	28 689 990,00	167 310,00
29.02.2020	9 526,28	3 000	28 578 840,00	-111 150,00
31.03.2020	9 554,22	3 000	28 662 660,00	83 820,00
30.04.2020	10 130,00	3 000	30 390 000,00	1 727 340,00
31.05.2020	10 139,30	3 000	30 417 900,00	27 900,00
30.06.2020	10 173,38	3 000	30 520 140,00	102 240,00
Жами I ярим йиллик учун				1 997 460,00

СОЛИҚ БЎЙИЧА ОРТИҚЧА ТЎЛОВНИ НИМА ҚИЛИШ МУМКИН

Ҳажмлар қисқарганлиги туфайли II чорақда корхонада I ярим йиллик яқунлари бўйича фойда солиғи бўйича ортиқча тўлов ҳосил бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ҳаракат қилишнинг эҳтимолий вариантларини молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ тушунтирди.



Кимларда ортиқча тўлов юзага келиши мумкин

1. Энг аввало, ортиқча тўлов бўнак тўловларини тўламайдиган корхоналарда ҳосил бўлиши мумкин. Уларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- жами даромади 2019 йил учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар;
- 5 млрд сўм ҳажмга етмаган янгидан ташкил этилган корхоналар.

Агар II чорақда корхона харажатлар қилган бўлса, бироқ етарли даромадларга эга бўлмаган бўлса ҳам ортиқча тўлов ҳосил бўлиши мумкин. Натижада II чорақда I чорақ яқунлари бўйича тан олинган фойдани камайтирган зарар шаклланди. Жами I ярим йиллик яқунлари бўйича солиқ солинадиган фойда I чораққа қараганда камроқ бўлади. Тегишинча, солиқ ҳам камаяди.

МИСОЛ. I ярим йиллик яқунлари бўйича фойда солиғининг камайиши

I ярим йиллик учун корхона қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Кўрсаткич	I чорақ, минг сўм	II чорақ, минг сўм	I ярим йиллик минг сўм
Жами даромад	1 000 000	300 000	1 300 000
Чегираладиган харажатлар	(800 000)	(380 000)	(1 180 000)
Солиқ солинадиган фойда (зарар)	200 000	(80 000)	120 000
Фойда солиғи (ставка – 15%)	30 000	-	18 000

Жадвалда кўрганимиздек, I ярим йиллик яқунлари бўйича фойда солиғи бўйича ортиқча тўлов II чорақда даромад қисқариши ҳисобига 12 000 минг сўмни (30 000 – 18 000) ташкил этди.

2. Шунингдек, ортиқча тўлов маълумотнома тақдим этмасдан, яъни СКда белгиланган тартибда бўнак тўловлари тўлайдиган корхоналарда ҳам ҳосил бўлиши мумкин (СК 340-м.).

Бу ҳолда II чорақда корхоналар жорий тўловларни I чорақ учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан келиб чиқиб тўлашган. II чорақда солиқ солинадиган фойда I чораққа қараганда қисқарган тақдирда ортиқча тўлов ҳосил бўлади.

МИСОЛ. Бўнак тўловлари ҳисобига фойда солиғи бўйича ортиқча тўлов

2019 йил учун корхонанинг жами даромади 5 млрд сўмдан ошди. Шу боис корхона 2020 йилда фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайди. 2020 йилнинг II чорағида у бўнак тўловлари тўғрисида маълумотномани тақдим этмади ва уларни ҳар ойда – I чорақ учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг 1/3 бўйича тўлади.

I ярим йиллик учун фойда солиғи қуйидаги миқдорда ҳисобланган ва тўланган:

Давр	Операция	Тўлов	Ҳисоблаш
2020 йил I чорақ	I чорақ учун фойда солиғи ҳисобланди ва тўланди	240 000	240 000
Апрель	Бўнак тўлови	80 000 (240 000 / 3)	
Май	Бўнак тўлови	80 000	
Июнь	Бўнак тўлови	80 000	
II чорақ	II чорақ учун фойда солиғи ҳисобланди		60 000
Жами I ярим йиллик		480 000	300 000

Жадвалдан кўринадики, бўнак тўловлари ҳисобига фойда солиғи бўйича ортиқча тўлов 180 000 минг сўмни (480 000 – 300 000) ташкил этди.

ҚҚС: ҲИСОБГА ОЛИШ СУММАЛАРИГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ

Корхона 2020 йил 1 январдан бошлаб фойда солиғи ва ҚҚС тўловчисига айланди. Ўтиш санасига келиб 2017–2019 йилларда харид қилинган товарларнинг қолдиқлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинган эди. Бироқ солиқчилар ҳисобга олинган суммани қабул қилмай, 2019 йилда харид қилинган товарлар қийматидан келиб чиқиб унга тузатиш киритдилар. Улар тўғри иш қилдиларми? «Нотта» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА вазиятга ойдинлик киритди.



– Ҳа, солиқчилар ҚҚС бўйича ҳисобга олинган суммага тузатиш киритиб, тўғри қилганлар.

Корхона 2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўловчисига айлангани сабабли ушбу санага келиб балансда мавжуд бўлган ТМЗ қолдиқлари ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҳисобга олинган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга (СК 266-м. 5-қ.).

ҚҚС тўлашга ўтиш санасига келиб ТМЗ қолдиқлари ва узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш учун куйидаги шартларга риоя этиш керак (СК 266-м. 1-қ.):

1) ТМЗ ва узоқ муддатли активлардан солиқ солинадиган реализация қилиш бўйича айланмада, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича айланмада фойдаланилиши;



2020 йилдан бошлаб реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатиб, ушбу айланмада фойдаланилган товарлар ва хизматлар бўйича «кирувчи» ҚҚСни ҳам ҳисобга олиш ҳуқуқига эгасиз. Ҳисобга олиш учун ушбу айланма солиқ солинадиган айланмага тенглаштирилади (СК 266-м. 2-қ.).

2) «кирувчи» ҚҚС етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактурасида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда ажратиб кўрсатилиши;

3) етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши;

4) товарлар олиб кирилганда (импорт қилинганда) «божхона» ҚҚС бюджетга тўланиши.

ҚҚС тўлашга ўтиш чоғида ҳисобга олинмадан ҚҚС суммасини куйидагича аниқланг (СК 266-м. 6-қ.):

• ТМЗ қолдиқлари бўйича – ўтиш санасидан олдинги сўнгги 12 ой давомида харид қилинган товарларнинг (хизматларнинг)

ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб. Бу солиқ суммаси сўнгги 12 ойда (яъни 2019 йилда) харид қилинган, ўтиш санасига келиб сизда мавжуд бўлган ТМЗ қолдиқлари қийматидан «чиқарилишини» аниқлатади;

• узоқ муддатли активлар бўйича – ўтиш санасига келиб уларнинг баланс (қолдиқ) қийматидан келиб чиқиб – тегишли солиқ суммасини ўз ичига оладиган қайта баҳолашни ҳисобга олмасдан. Узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш тартиби 2019 йилдан жорий этилгани боис фақат 2019 йил 1 январдан кейин харид қилинган узоқ муддатли активларни ҳисобга олин.



ТМЗ ва узоқ муддатли активлар қийматини ҳисобга олинмадан ҚҚС суммасига камайтираётганда етказиб берувчи ушбу ТМЗ ва узоқ муддатли активларни харид қилиш чоғида ҳисобварақ-фактурада кўрсатган ҚҚС ставкасини инобатга олинг. Уларнинг қийматида 20%лик ставкада ҚҚС киритилган бўлса (2019 йил 1 октябрдан харид қилинганда), уни ҳам 20%лик ставкада «чиқариш» керак.

МИСОЛ. 1.01.2020 йилдан бошлаб тўловчига айланган корхонада ҚҚСни ҳисобга олиш

Корхона 2019 йилда ЯСТ тўлаган, 2020 йилдан бошлаб ҚҚС тўловчисига айланган.

2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра корхона балансига куйидагилар қайд этилган:

ҚҚС билан харид қилинган, 100 млн сўмлик суммадаги ТМЗ. Шундан:

ҚҚС билан: 70 млн сўмлик, шу жумладан куйидаги ставкадаги

– 20%лик ставкада (2019 йил 1 октябрдан) – 24 млн сўмлик;

– 15%лик ставкада – 46 млн сўмлик;

2017–2018 йилларда харид қилинган – 30 млн сўмлик;

ҚҚС билан харид қилинган асосий воситалар, қайта баҳолашни инобатга олмаганда қолдиқ қиймати – 200 млн сўм. Шундан 2019 йилда харид қилинган АВнинг қолдиқ қиймати 15%лик ҚҚСни инобатга олган ҳолда 69 млн сўмни ташкил этади.

2020 йил 1 январдаги ҳолатга кўра корхона 19 млн сўм миқдоридagi ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли, шу жумладан:

ТМЗ қолдиқлари бўйича – 10 млн сўм (24 / 120 x 20 + 46 / 115 x 15);

асосий воситалар бўйича – 9 млн сўм (69 / 115 x 15).

Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китобига 1-иловада «Бошқа даромадлар» корхонада ҳосил бўлган даромад бўйича сатрларни тўлдириш лозим. Бизнинг мисолимизда бу 397 814 сўм суммасига 0304-сатр «Те-

кинга олинган мол-мулк (олинган хизматлар)» ва 1 997 460 сўм суммасига 0310-сатр «Валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошиши».



Агар корхонада 2007 йилги таҳрирдаги СКда назарда тутилган қандайдир имтиёз мавжуд бўлса, у 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилган. II чорақда сиз ундан фойдалана олмайсиз.


Мисол учун, корхона ўз ходимларининг ёш оилалари учун уй-жой ёки янги технологик ускуна сотиб олди. 2020 йил I чорақда Ҳисоб-китобда айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ базаси камайишини акс эттирган ҳолда у тегишли

имтиёзлардан фойдаланиши мумкин бўлган (2007 йилги таҳрирдаги СК 356-м.). 2020 йилнинг II чорақидан бошлаб ушбу имтиёзлар амал қилмаган, шу сабабли II чорақ учун ҳисоб-китобда 2020 йилнинг I чораги кўрсаткичларини такрорлаш зарур.

ҲИСОБ-КИТОБДА ИЖТИМОЙ СОЛИҚНИНГ ИККИТАДАН ОРТИҚ СТАВКАСИНИ АКС ЭТТИРИШ

Карантин даврида кўплаб корхоналарнинг даромади камайди, лекин мажбуриятлари, масалан, дейлик ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш мажбурияти сақланиб қолди. Хукумат корхоналарга солиқ юкини пасайтириш учун бир қатор чораларни кўрди. Шулардан бири – ижтимоий солиқ ставкасининг 12 фоиздан 1 фоизга туширилиши бўлди. Мазкур чора корхоналарга солиқдан бўшаган маблағларини бошқа мажбурий харажатларига йўналтиришга имкон берди. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби шаклига (4-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) уни тўлдириш чоғида 1%лик имтиёзли ставкани танлаш имконияти берилди. Бироқ бухгалтерларда корхона ҳисобот даврида бир вақтнинг ўзида ижтимоий солиқнинг иккитадан ортиқ ставкасини қўллаган бўлса, ҳисобот қандай тўлдирилади деган савол пайдо бўлди. Мазкур ҳолатда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида «Нотта» компанияси эксперти Дилором САИДОВА тушунтириш берди.

– Илгари ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби шакли ижтимоий солиқ бўйича иккита имтиёзли ставкани бир вақтнинг ўзида тўғри қўллаш имкониятини яратиш мақсадида қайта кўриб чиқиши ҳақида хабар берилган эди. Бироқ ҳозирга қадар шакл янгиланмаган.



Ҳисоб-китобни шартли мисолда тўлдиришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Бунда ДСҚ юридик шахсларни солиққа тортиш бошқармаси бош мутахассиси Ойбек АЗИМБОЕВ тавсияларига асосланамиз.

МИСОЛ. Кичик бизнес субъекти жумласига қирадиган корхонада асосий ходимлардан ташқари, ногиронлар ва чет эллик жисмоний шахслар меҳнатидан фойдаланилади.



Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишлайдиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг МҲТФга 4,7%лик ставка бўйича солиқ солинади (СК 405-м); 2020 йил май–июнь ойларида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12%дан 1%гача пасайтирилган (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармоннинг 4.б.).

Корхонада биринчи ярим йиллик учун қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

минг сўмда

	Январь–апрель	Май–июнь	Жами
МҲТФ, жами	200 000	90 000	290 000
ундан:			
ногиронларга	82 500	35 000	117 500

Мазкур мисолни кўриб чиқишда жисмоний шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ташқари бошқа даромадлар тўланмаган деб фараз қиламиз.

I ярим йилликда ижтимоий солиқни ҳисоблашда учта ставкани қўллаймиз: 12%, 4,7% ва 1%.



Корхонада чет эллик фуқаролар ишласа, уларнинг МХТФга умумбелгиланган 12%лик ставка бўйича ижтимоий солиқ солинади, бироқ 2020 йил май-июнь ойларида 1%лик ставка қўлланилган.

Ҳисоб-китоб қилиш қулай бўлиши учун қўлланиладиган ижтимоий солиқ ставкалари кесимида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича даромадларни тақсимлаб жадеал тузамиз:

минг сўмда

Ойлар	Ставкалар	12%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлар	4,7%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлар	1%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлар
Январь–апрель		117 500	82 500	–
Май–июнь		–	35 000	55 000
Жами:		117 500	117 500	55 000
Солиқ ставкаси		12%	4,7%	1%
Солиқ суммаси		14 100	5 522,5	550
Солиқ суммаси, жами:		(14 100 + 5 522,5 + 550) = 20 172,5		

Амалдаги ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби шаклида ижтимоий солиқнинг қуйидаги ставкаларини кўрсатиш мумкин:

умумбелгиланган – 12%;
бошқа – 4,7%, 1%, 25%, 7%.

Мураккаблиги шундан иборатки, бугунги кунда бир вақтнинг ўзида бошқа иккита ставкани кўрсатишнинг имкони йўқ. ДСҚ вакили Ойбек АЗИМБОВЕВ бундай ҳолатда Ҳисоб-китобга 1-иловада солиқ солинмайдиган даромад қисмини кўрсатиш орқали 1%лик имтиёзли ставка бўйича солиқ солинадиган даромадни акс эттиришни тавсия қилди.

Қуйидаги савол туғилиши мумкин: нима учун 1%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромад танланади? Ахир, мисол учун 4,7%лик ставкани олиш мумкин эди-ку?

2020 йилдан бошлаб ногирон ходимлар учун 4,7%лик солиқ ставкаси имтиёз ҳисобланмайди, бу СКда (СК 405-м.) белгиланган доимий ставкадир. 4,7%лик ставка бўйича солиқ солинадиган даромадни танлайдиган бўлсак, уни 1-иловада акс эттира олмаймиз, сабаби имтиёзлар рўйхатида бундай ставка мавжуд эмас.

Шу боисдан айнан 1%лик имтиёзли ставка бўйича солиқ солинадиган МХТФ танланади (ПФ-5996-сон Фармоннинг 4-б.) уни Ҳисоб-китобга 1-иловада акс эттирамай.

Бу қандай қилинади?

Биринчидан, ходимлар бўйича жами МХТФни, ногирон ходимлардан ташқари, биринчи ярим йилликда Ҳисоб-китобнинг «Умумбелгиланган ставкаси бўйича» 011-сатрида 5-устунда акс эттирамиз: $117\,500 + 55\,000 = 172\,500$ минг сўм;

Иккинчидан, ногирон ходимларнинг МХТФни Ҳисоб-китобнинг «Бошқа ставкалар бўйича» 011-сатрида 6-устунда акс эттирамиз: 117 500 минг сўм;

Учинчидан, корхона май-июнь ойларида ижтимоий солиқнинг имтиёзли ставкасидан фойдалангани боис мазкур ойлар учун даромаднинг қандай қисми имтиёзли ҳисобланишини аниқлаймиз. Даромаднинг имтиёзли қисмини ҳисоб-китоб қилиш учун коэффициентни аниқлаймиз: $(12 - 1) / 12 \times 100 = 91,66\%$.

Коэффициент чексиз рақам кўринишида 91,66666(6)% бўлди. Сумма кўпайиш томонга яхлитланса, 91,67% ҳосил бўлади. Бунда солиқнинг камайишига олиб келадиган даромаднинг имтиёзли қисмини кўпайтирамиз.

Шу боисдан солиқ камайиши ва пеня ҳосил бўлиши хавфининг олдини олиш учун кичик хатоликка қарамай коэффициентни камайиш томонга яхлитлашни тавсия этамиз.

	91,67% коэффициентни қўлладда хатолик	91,66% коэффициентни қўлладда хатолик
1%лик ставка бўйича солиқ солинадиган ходимларнинг МХТФ	55 000 000	55 000 000
Солиқ солинмайдиган сумма	50 418 500 (55 000 000 x 91,67%)	50 413 000 (55 000 000 x 91,66%)
Солиқ базаси	4 581 500	4 587 000
Умумбелгиланган ставка	12%	12%
Солиқ суммаси	549 780	550 440
1%лик ставка қўлланилганда солиқ суммаси	550 000	550 000
Хатолик суммаси	- 220	440

МИСОЛ. Узоқ муддатли контракт бўйича даромадни аниқлаш

Корхона 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 300 млн сўмлик суммадаги узоқ муддатли контракт бўйича ишларни бажаради.

Ишларни бажариш муддати – 20 ой.

Смета бўйича умумий харажатлар суммаси – 1 600 млн сўм.

Контракт бажарилган I чоракда 2010-сўм дебети бўйича харажатлар 200 млн сўмни ташкил этган.

I чоракда контракт бўйича даромад (соф тушум) 250 млн сўмни ташкил этган (200 / 1 600 x (2 300 / 1,15)).

ҚҚС 37,5 млн сўмга тенг (250 x 15%).

II чоракда контракт бўйича ишлар тўхтатиб қўйилган.

2010-сўм дебети бўйича акс эттирилайдиган ишлаб чиқариш харажатлари бўлмаган.

Корхона ишлаб чиқариш қувватлари билан боғлиқ 30 млн сўмлик суммадаги олдини олиб бўлмайдиган харажатларни бошқа операциялар харажатларга киритиб, 9430-сўм дебети бўйича акс эттирган.

Корхона I ярим йиллик учун Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобда (3-илова, АВ рўйхат рақами 3221, 24.02.2020 й.)

I чоракдаги суммаларни тақдоран қайд этади:

1-илованинг 021-сатрида «Жами даромад» – реализация қилишдан даромад 250 млн сўм;

2-илованинг 020-сатрида «Харажатлар» – реализация қилинган маҳсулот (товарлар, хизматлар) таннархи 200 млн сўм.

Корхона 2-илованинг 070-сатрида ишлаб чиқариш қувватлари билан боғлиқ бўлган II чоракдаги олдини олиб бўлмайдиган харажатларни ҳисоба олган ҳолда I ярим йилликдаги бошқа харажатларни - 30 млн сўмни акс эттиради.

ШТРИХЛИ КОДЛАШГА ХАРАЖАТЛАРНИ ЧЕГИРСА БЎЛАДИМИ

Бугунги кунда даярли ҳар қандай товар ўзининг штрихли кодига эга. Штрихли кодлашга харажатлар фойда солиғи ҳисоб-китобда чегирилайдиган харажатлар ҳисобланадими? Ушбу саволга аниқ норматив жавоб мавжуд бўлмаганда қандай йўл тутиш кераклигини «Norma» эксперти Наталья МЕМЕТОВА айтиб берди.

- Ҳақиқатан штрихли кодлар ҳар жойда учрайди. Бу товарни идентификация қилиш учун қулай ихтиро, демак – сотиш ҳажмлари ҳисоби ва уларни назорат қилишнинг дастағи.

Штрихли код махсус сканер ёрдамида ўқилади, товар ҳаракати тўғрисидаги ахборот корхонанинг ҳисобга доир маълумотлар базасига тушади, шунингдек касса чекида акс этади, бу харидорларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартиради.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, штрихли кодлашга харажатлар иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан мутлақо асосланган.

Шуниси қизиқки, маҳсулотга штрихли кодни тушириш учун корхона GS1 Uzbekistan уюшмасига қирлишига тўғри келади. Бу – ўзининг иштирокчиларининг аъзолик бадаллари ҳисобига фаолият юритадиган ва пуллик хизматлар кўрсатмайдиган ихтиёрий нотижорат ташкилоти.

Штрихли кодлар ҳар жойда учрашига қарамай, уюшмага мурожаат қилиш – ихтиёрий иш (*Низомнинг 33-б., ВМнинг 6.07.2004 йилдаги 318-сон қарорига 1-илова*). Корхонани ўз маҳсулотларига штрихли кодларни туширишга мажбур қилайдиган қонуний нормалар мавжуд эмас.

Нотижорат ва халқро ташкилотларга бадаллар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади. Бу қоннадан қуйдагилар истисно ҳисобланади, агар бадалларни тўлаш (СК 317-м. 29-б.):



• қонун ҳужжатларида (шу жумладан – чет давлатлар қонун ҳужжатларида) назарда тутилган бўлса;

• ва (ёки) корхона фаолиятини амалга оширишнинг шартли бўлса;

• ёки бундай ташкилотлар томонидан корхона фаолияти учун зарур бўлган хизматлар тақдим этишнинг шартли бўлса.

Бир томондан, штрихли кодлаш аксарият корхоналар учун заруратга айланди. Ахир «зарурат» сўзининг маъноларидан бири – қандайдир иш учун жуда муҳим. Шунда бу – чегирилайдиган харажат, дейиш лозим.

Бошқа томондан, штрихли кодлаш қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан мажбурий ҳисобланмайди ва моҳиятан, усиз ҳам удаласе бўлади. Бундай ёндашууда бу – чегирилмайдиган харажат. Тўғри, бугун штрихли кодсиз маҳсулотлар бозорда талабга эга бўлиши – катта масала...

СК 317-моддаси 29-бандини талқин қилишда ноаниқликларни олдини олиш мақсадида, «зарур бўлган» иборасини «мажбурий» сўзига алмаштириш тақлиф қилинмоқда.

«Ўзстандарт» агентлигининг штрихли коднинг оригинал-макетини тайёрлаш ва бериш бўйича хизматлари шартнома асосида кўрсатилади. Лозим даражада расмийлаштирилган тақдирда ушбу хизматлар қиймати – бу чегирилайдиган харажат.

ер солиги ва мол-мулк солигини тўлашдан озод қилинади (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон 4-б. «а» кичик б.).

4) 1 апрелдан 31 декабрга қадар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан мол-мулк солиги ва ер солигининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек, кўрсатилган солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармон 4-б. «в» кичик б.).

5) кичик бизнес субъекти бўлиб, ўз фаолиятингизни тўхтатган бўлсангиз ёки товарлар (хизматлар) реализациясидан тушумин-

гиз 2020 йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50%дан кўпроққа камайган бўлса, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза бермасдан туриб мол-мулк солиги, ер солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шarti билан 31 декабрга қадар фoизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқига эгасиз.

Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари улар бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи берилган солиқларнинг суммасини тўлаш муддатини мустақил равишда белгилашга ҳақиқ, бироқ бу муддат 2 йилдан ошмаслиги керак (ПФ-5978-сон Фармоннинг 6-б., ПФ-5986-сон Фармоннинг 5-б.).

УЗОҚ МУДДАТЛИ КОНТРАКТЛАР БЎЙИЧА ДАРОМАДЛАР: ҲИСОБ-КИТОБДА АКС ЭТТИРИШ

2020 йилдан бошлаб солиқ солиш мақсадида узоқ муддатли контрактлар бўйича даромадлар ҳисоб маълумотлари асосида даромадни тенг маромда тан олиш принципини инobatга олган ҳолда аниқланади. II чоракда ишлар ҳажми қисқартирилган ёки тўхтатиб қўйилган бўлса, ушбу норма қандай қўлланилади? «Notpa» компанияси эксперти Наталья МЕМЕТОВА вазиятга оидинлик киритди.

– Мазкур норма қуйидаги контрактларга тааллуқли:

• улар бўйича ишлар узоқ муддат давомида бажариладиган;

• контракт шартларида уларни босқичма-босқич топшириш назарда тутилмаган (СК 303-м. 1-қ.).


ҚҚСни ҳисоб-китоб қилиш учун СҚда узоқ (1 ойдан ортиқ) муддатли шартномалар бўйича айланмани ҳар бир календарь ойнинг охириги кунда аниқлаш мажбурияти белгиланган (СК 242-м. 7-қ.).

Ушбу талабни ҳисобга олган ҳолда қилинган харажатларнинг контракт бўйича умумий харажатлар суммасидаги салмоғидан келиб чиқиб даромадни ҳар ойда аниқланган (СК 303-м. 2-қ.).

Бир ойдаги узоқ муддатли контракт бўйича даромад суммасини аниқлаш учун (СК 303-м.):

1) контракт бажарила бошлаганидан буён ҳақиқатда қилинган харажатларнинг уни бажариш учун умумий харажатлар суммасидаги салмоғини ҳисобланган;

2) қилинган харажатларнинг ҳисобланган салмоғини контракт бўйича умумий даромад суммасига (контракт нархига) кўпайтириш йўли билан ой охиридаги даромадни аниқланган;



3) ушбу контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадларни айиринг.

Бир ойдаги даромадни қуйидаги формула бўйича ҳисобланган:

$До = Хб / Хк \times Дк - Диx$, бунда:

До – ойлик даромад;

Хб – контракт бажарила бошлаганидан буён ҳақиқатда қилинган харажатлар;

Хк – контрактни бажариш учун қилинадиган харажатлар, жами;

Дк – контракт бўйича даромад;

Диx – контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар.

Контракт бўйича даромад – ҚҚС чегирилган ҳолда шартнома қиймати.

Контрактни бажариш учун қилинган харажатларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқланган.

Бир ойдаги харажатларни аниқлаш учун 2010-счёт «Асосий ишлаб чиқариш» дебети бўйича ишлаб чиқариш таннархини шакллантиринг. Унга ёрдамчи (2310-счёт) ва умумишлаб чиқариш харажатларини (2510-счёт) киритинг.



Ишлар ҳажми қисқарганда харажатлар ҳам қисқаради. Демак, солиқ солиш мақсадида тан олиниши позим бўлган даромадлар ҳам ўтган даврларга қараганда унча кўп бўлмайди. Бундай контрактлар бўйича ишлар тўхтатиб қўйилган бўлса, 2010-счёт дебетида улар бўйича харажатлар ҳам бўлмаслиги керак. Бу ҳолда узоқ муддатли контрактлар бўйича даромад тан олинмайди.

Узоқ муддатли контрактлар бўйича ишлар тўлиқ тўхтатиб қўйилган тақдирда олдини олиб бўлмайдиган умумишлаб чиқариш тусидаги харажатларни бошқа операция харажат-

ларга киритинг ва 9430-счёт бўйича акс эттиринг. Масалан, – ишлаб чиқариш қувватларининг амортизация ёки ижара харажатларини.

1) мазкур коэффициент ходимларнинг май-июнь ойлари учун МХТФга нисбатан қўлланилади, ногирон ходимлар бундан мустасно: $55\,000 \times 91,66\% = 50\,413,00$ минг сўм;

2) ҳосил бўлган суммани Ҳисоб-китобга 1-иловада 0301-сатрда кўрсатамиз, бунда имтиёз тури - «7851 – 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон Фармоннинг 4-банди таънади. Белгилансинки, 2020 йилнинг 1 майидан 1 июлигача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналарга (акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат

корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади»;

3) 1-илованинг 0301-сатри қиймати автоматик тарзда Ҳисоб-китобнинг 020-сатрида акс этади, бунда солиқ базаси ва солиқ суммаси камаяди. 440 сўм миқдоридagi хато ҳисобланган ижтимоий солиқ 1%лик ставка қўлланилганда олинган солиқ суммасига тенг бўлади.


ЯНГИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИ ПАЙДО БЎЛСА, РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ҚАНДАЙ ТЎЛанаДИ

Корхона 2020 йил июни ойида бино сотиб олиб, унга кадастр ҳужжатларини расмийлаштирди. «Nigma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни қандай ҳисоблаш ва қачон тўлаш кераклиги ҳақида тушунтириб берди:

Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш солиқ солиш объекти жойлашган жой бўйича амалга оширилади.

Шунинг учун бино солиқ бўйича ҳисобга олинган жойингизда жойлашмаган бўлса, қуйидаги кундан эътиборан 10 кун ичида ҳисобга қўйиш учун у жойлашган ердаги солиқ органига мурожаат қилишингиз лозим:

- ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган;



- мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти юзага келган.

Масалан, сиз Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ДСИ ҳисобидан турсангизу харид қилинган мол-мулк Яшнобод туманида жойлашган бўлса, у ҳолда солиқ солиш объектини Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ДСИда ҳисобга қўйишингиз керак бўлади.

Солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органига мурожаат қилинган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмай уни ҳисобга қўйиши шарт.

Мол-мулк солиғи

Биномлар кадастр органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим, демак, мол-мулк солиғи солинадиган объект ҳисобланади (СК 411-м.).

Бино жойлашган ердаги солиқ органига қуйидагиларни тақдим этинг:

- бино жойлашган ерда бошқа солиқ солинадиган объектларингиз ҳам бўлса ва жорий йилда маълумотномани тақдим этган бўлсангиз, солиқ бўйича бўнак тўловлари тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани (СК 417-м. 7-қ.).

Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларига солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади. Навбатдаги бўнак тўловини амалга ошириш

пайтига келиб маълумотномани тақдим этишни тавсия қиламиз;

- бино жойлашган ерда бошқа объектларингиз бўлмаса ва жорий йилда мазкур солиқ органига маълумотнома тақдим этмаган бўлсангиз, бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани. Маълумотномани тақдим этиш муддати – солиқ мажбурияти юзага келган пайтдан эътиборан 30 кундан кечиктирмай (СК 417-м. 5-қ.).

Солиқнинг якуний суммасини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва уни солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлаш лозим (СК 417-м. 8-қ.).



Бўнак тўловлари суммаси тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги солиқ суммасига нисбатан 10%дан ортиқ камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларини солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади (СК 417-м. 9-қ.).

МИСОЛ. Мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаш

Фойда солиғи ва ҚҚС тўловчи корхона бино сотиб олиб, унга кадастр ҳужжатларини расмийлаштирди, 2020 йил 14 июнда 300 млн сўмлик бошланғич қиймати бўйича асосий воситалар таркибига киритди.

Июль ойидан бошлаб йиллик 3% ставкада амортизация ҳисобланади. Бир ойдаги амортизация суммаси 0,75 млн сўмини (300 × 3% / 12) ташкил этади.

Мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаймиз:

Ойлар	Бошлангич қиймат	Жамғарилган эскириш	Қолдиқ қиймат
Июнь	300	0	300
Июль	300	0,75	299,25
Август	300	1,5	298,5
Сентябрь	300	2,25	297,75
Октябрь	300	3	297
Ноябрь	300	3,75	296,25
Декабрь	300	4,5	295,5
Жами:			2 084,25

Ўртача йиллик қолдиқ қиймат 173,69 млн сўмни (2 084,25 / 12) ташкил этади.

2020 йил учун мол-мулк солиғи 3,47 млн сўмни (173,69 x 2%) ташкил этади.

Бўнак тўловлари 6 ойга (июль–декабрь) тақсимланади. 0,579 млн сўм (3,47 / 6) миқдоридаги ойлик бўнак тўлово ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тўланиши лозим (СК 417-м. 6-қ.).

Ер солиғи

Бинога бўлган мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юришти ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ўтганда бино эгаллаган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади (Ер кодексининг 22-м.).

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганидан ва гувоҳнома олинганидан сўнг кучга киради (Ер кодексининг 33-м.).

Бироқ ер солиғини ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб эмас, балки кейинги ойдан бошлаб тўлаш зарур (СК 427-м. 2-қ.).

Кадастр органи унинг жойдаги чегараларини белгиллаунига ва мазкур участкага бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар олингунига қадар берилган (сотилган) ер участкасига эгалик қила бошлаш ва ундан фойдаланиш тақиқланади (Ер кодексининг 23-м.).

Юридик шахсга давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишга 1 ой муҳлат берилади (Низом 11-б., ВМнинг 29.12.2018 йилдаги 1060-сон қарорига 1-илова).



Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 4 барабари миқдорида белгиланади (СК 429-м. 11-қ.).

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этмасангиз, солиқ органи участкадан фойдаланила бошланган пайтдан то унга бўлган ҳуқуқлар расмийлаштирилган пайтга қадар ер солиғини 4 барабар миқдорда тўлашни талаб қилиши мумкин.

МИСОЛ. Тошкентда жойлашган корхонанинг ер солиғини ҳисоблаши

Тошкент шаҳар Бектөмир туманида (2-зона) жойлашган бино остидаги ер участкаси майдони 1 100 кв. метрни ташкил этади.

Ер участкасига кадастр ҳужжатлари 2020 йил 14 июнда расмийлаштирилган.

Ер солиғи кейинги ойдан (июль ойдан) бошлаб тўланиши сабабли унинг бир йиллик суммаси 7 964 974,49 сўмни ((1 100 / 10 000 x 144 817 718) / 12 x 6) ташкил этади.

Жорий йилда ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига солиқ ҳисоб-китоби тақдим этилган бўлса, корхона бир ой муддатда ер солиғи бўйича ҳисоботни ёки аниқлаштирилган ҳисоботни тақдим этиши керак (СК 431-м. 3-қ.).

Корхона фойда солиғи ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланиши сабабли ҳар ойнинг 10-санасигача ер солиғини тўлаши керак (СК 432-м. 1-қ.).

Корхонада солиқ тўлашнинг белгиланган муддатидан сўнг мажбурият юзага келгани боис мажбурият юзага келган пайтдан эътиборан 30 кундан кечиктирмай солиқ тўланади (СК 432-м. 2-қ.).

Ушбу вазиятда дастлабки тўловни 10 июлгача 1 327 495,75 сўм (7 964 974,49 / 6) миқдорида тўлашни тавсия эта-миз.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув таъминоти ташкилоти билан шартнома тузган ҳолда бино ва ер участкасида сувдан фойдалансангиз, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашингиз керак (СК 63-боби).

Сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базаси ҳисобланади. У сув таъминоти ташкилотининг ҳисобварақ-фактураларида ҳам кўрсатиллади.

Ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдалансангиз, солиқ базасини манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланг. Бунинг учун водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбатидан фойдаланинг. Уни сув таъминоти ташкилотлари йил бошида белгилаб, солиқ органларига 15 январга қадар маълум қиладилар. Солиқ органлари 3 кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

2020 йилда сув етказиб бериш учун Тошкент шаҳар «Сув-соз» ДУК билан шартнома тузган корхоналар водопровод тармоғига келиб тушадиган сув ҳажмларининг куйидаги нисбатидан келиб чиқиб солиқ тўлайдилар («Сувсоз» ДУКнинг 6.01.2020 йилдаги 270/11–28-сон хати):

- ер усти манбаларидан – 90,1%;
- ер ости манбаларидан – 9,9%.

Вилоятларда сувининг нисбати ҳақидаги ахборотни маҳаллий солиқ органларидан олишингиз мумкин.

Фойда солиғи ва ҚҚС тўловчилар бўнак тўловларини фойдаланилиши мўлжалланаётган сув ҳажмидан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда маълумотнома асосида ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тақдим этидилар (СК 448-м.). Солиқ суммаси БҲМнинг 200 бара-

варидан (44 600 000 сўм) кам бўлса, бўнак тўловларини чоракда бир марта – ҳар чорак учинчи ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тўланг.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги солиқ органига куйидаги ҳужжатларни тақдим этинг:

- сувдан фойдаланиш жойида бошқа солиқ солиш объектларингиз бўлса ва жорий йилда маълумотнома тақдим этган бўлсангиз, солиқ бўйича бўнак тўловлари тўғрисида аниқлаштирилган маълумотномани (СК 448-м. 4-қ.). Уни навбатдаги бўнак тўловини тўлаш пайтига келиб тақдим этишни тавсия қиламиз.

Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларига солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади;

- бино жойлашган ерда бошқа объектларингиз бўлмаса ва жорий йилда мазкур солиқ органига маълумотнома тақдим этмаган бўлсангиз, бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани. Маълумотномани тақдим этиш муддати – солиқ мажбурияти юзга келган пайдан эътиборан 30 кундан кечиктирмай (СК 448-м. 2-қ.).

Солиқнинг якуний суммасини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва уни солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тўлаш лозим (СК 447-м. 3-қ., 448-м. 5-қ.).



Бўнак тўловлари суммаси тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги солиқ суммасига нисбатан 10%дан ортиқ камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларини солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади (СК 448-м. 6-қ.).

МИСОЛ. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаш

Саноат корхонаси сотиб олинган бинодо ва эгаланган ер участкасида 2020 йил июль–декабрь ойларида фойдаланишни мўлжаллаётган водопровод суви ҳажми 10 000 куб метрга тенг.

Солиқ базаси куйидаги ҳажми ташкил этади:

- ер усти манбаларидан фойдаланиладиган сув бўйича – 9 010 куб м (10 000 × 90,1%);
- ер ости манбаларидаги сув бўйича – 990 куб м (10 000 × 9,9%).

Саноат корхоналари 2020 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун куйидаги миқдордаги солиқ ставкалари тасдиқланган («2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга 11-илова):

- ер усти манбаларидан – 1 куб м учун 410 сўм;
 - ер ости манбаларидан – 1 куб м учун 490 сўм.
- Шу тариқа, кўрсатилган даврда солиқ суммаси 4 179 200 сўмни ташкил этади, шу жумладан:
- ер усти манбаларидан – 3 694 100 сўм (9 010 × 410);
 - ер ости манбаларидан – 485 100 сўм (990 × 490).

Ҳисобланган солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кам. Бинобаран, корхона бўнак тўловларини ҳар чорак учинчи ойнинг 20-санасидан кечиктирмай (СК 448-м. 3-қ.), яъни 21 сентябрдан ва 21 декабрдан кечиктирмай тўлаши керак (20 сентябрь ва 20 декабрь – дам олиш кунлари).

Бўнак тўловларининг чораклик суммаси 2 089 600 сўмни (4 179 200 / 2) ташкил этади.

Қўллаб-қувватлаш чоралари

Пандемия шароитида тақдим этилган преференциялардан фойдаланишингиз мумкин:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойда кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тўғрисида ариза бериш. Бунда кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) сизнинг аризангиз, шунингдек Иқтисодий вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг хулосалари асосида – бошқа ҳужжатларни

талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон Фармоннинг 7-б.).

2) 1 октябрдан бўлган даврда солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган корхоналарга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, шунингдек солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди (ПФ-5969-сон Фармоннинг 8-б.).

3) корхонангиз туроператор, турагент бўлса ва меҳмонхона хизматларини кўрсатса, у 1 апрелдан 31 декабрга қадар

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертадан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда қуйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;

2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;

3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия хисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва ресторанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Roytax» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд қунлари билан қўтлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

ҚЎШИМЧА БОНУСЛАР

обунани фақат имтиёзли давр – 2020 йилнинг 31 августига қадар расмийлаштирган обуначилар учун:

6) 2020 йилнинг сентябридан декабрь ойига қадар «Norma» ўқув марказининг 1 та семинарида иштирок этиш;

7) «Norma» ўқув марказида 30 академик соат ҳажмида 1 та масофали курсда (танловга қўра) ўқиш учун сертификатга эга бўлиш (1 та обуна – 1 киши);

8) дастлабки 500 нафар обуначига – «Қўшилган қиймат солиғи» китобини олиш учун ҳуқуқ берилади (1 та обуна – 1 та китоб)



Қўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

да, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктиришми бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

11. Таҳририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой якуни бўйича Обуначига электрон хисоббарак-фактура тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон хисоббарак-фактураларни улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаши шарт.

12. Акцепт мuddати 2020 йил 25 декабр гача қилиб белгиланади. Агар Таҳририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб хисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзга келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгар бўлидилар.

14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Таҳририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилмадан кейин, Тарафлар олдиндан қўра олманган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган ҳолатда тўлиқ жоғалар вақтларда етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлик учун жавобгар бўлмайди.

16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги туғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш кунли мобайнида хабардор қилишлари керак.

17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келимовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этидилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал этилади.

18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2020 йил 25 декабр гача.

19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ

№10105, Топкент ш., Таллимаржон кўча, 1/1

Обуна бўлими: 100011, Топкент ш.,

Навоий кўча, 22

Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.

Топкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкида

МФО 00842

СТИР 305504530, ИФУТ 58130

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди:

326010039431.

Тел./факс (371) 147-11-72.

Баҳодир КАЮМОВ,

«NORMA DAVRIY NASHRLARI»

МЧЖ директори.

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Таҳририят деб юртилди, мазкур таклиф билан Топкент шаҳри ёки республика миқтасларида жойлашган (истикомат қилинган), қуйида таклиф қилинётган шартларни тўлалигича (ўзи ташлаган нашрларни хисобга олган ҳолда) ва суъузис қабул қилишнинг билдирилган шахс (бундан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бундан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдириди. Таҳририят ва Обуначи кейинги Урииларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қана бул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлирилган ҳамда унинг ажралмас қисми хисобланган буюртманома-акцептнинг (бундан кейин – Акцепт) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Таҳририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устуларни тўлиқ, қисқарттиришларсиз, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлиқлигини керак. Акцепт (78) 147-11-72 факс, obuna@norma.uz электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Таҳририят Топкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

3. Таҳририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Таҳририят Акцептти олган вақтдан бошлаб тузилган хисобланади ва кўча қилари ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилганига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Таҳририят хисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов таҳририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Таҳририят унинг хисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушгандан кейин, Таҳририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Таҳририят почта бўлимига орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни навабдаги сон чикиси билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришнинг ташқили қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктиришми бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда,

АМОРТИЗАЦИЯЛАНМАЙДИГАН АКТИВЛАР

? Корхона балансида аввалги йиллардаги инвестиция мажбуриятлари ҳисобига олинган асосий воситалар мавжуд. 2020 йилда ушбу мол-мулкка амортизация ҳисобланадими?

– Солиқ солиш мақсадларида инвестор ва давлат мулкни бошқаруви ваколатли органлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилган асосий воситалар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилмайди ва амортизация қилинмайди

(СК 306-м. 2-қ. 11-б.). Бунда Кодексда ушбу АВлар киритилган давр юзасидан чекловлар белгиланмаган.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагилар бўйича амортизация ҳисобланмайди (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 35-банди):

- а) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);
- б) маҳсулдор чорва моллари;
- в) ахборот-кутубхона фонди;
- г) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;
- д) музей ашёлари;
- е) моддий маданий мерос объеклари;
- ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар,

хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган обodonлаштириш иншоотлари;

з) тўлик амортизацияланган асосий воситалар.

Инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилган АВлар ушбу рўйхатга киритилмаган бўлса, амортизация бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадларида ҳисобланади, солиқ солиш мақсадларида эса ҳисобланмайди.

Азизахон ТОШХҲҲАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ СОТИШ ОҚИБАТЛАРИ

? МЧЖ балансида Тошкентда жойлашган квартира бор. Уни қолдиқ қиймати бўйича ходимга сотиш режалаштирилган. Мазкур битимга қандай солиқлар солинади?

Фойда солиғи

АВни реализация қилишдан олинган фойда корхонада фойда солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилади (СК 297-м. 3-қ. 6-б., 298-м.). АВни сотишдан қўрилган зарар СК 305-моддаси бўйича четгириш учун асосларга мувофиқ келса, фойда солиғини ҳисоблашда четгириб ташланиши лозим.

Қўшилган қиймат солиғи

АВни реализация қилиш ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланади (СК 239-м. 1-қ. 1-б.).

ҚҚС бўйича солиқ базаси реализация қилинадиган АВ объекти қийматидан келиб чиқиб ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда аниқланади. Бунда 1.01.2020 йилдан солиқ базаси реализация қилинаётган АВнинг қолдиқ

қийматидан кам бўлмаслиги шарти чиқариб ташланган (СК 248-м. 1-қ.).

Айланмадан олинган солиқ

Айланмадан олинган солиқни тўловчилар учун АВни реализация қилишдан олинган фойда жами даромадга киритилади ва унга солиқ солинади (СК 463-м.). Реализация қилишдан қўрилган зарар солиқ базасини камайтирмайди.

Мол-мулк солиғи

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ базаси объект реализация қилинган ойдан бошлаб камайтирилади. Солиқ даври мобайнида солиқ базаси ўзгарганда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этилади. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бунақ тўловлари тенг улушларда солиқнинг ўзгарган суммасига тузатилади (СК 413-м. 417-м. 7-қ.).

Жисмоний шахсда солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Замира ЖҲРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

? 50 ўринлик нодавлат мактабгача таълим муассасасининг янги хусусий биносининг қурилиши тугалланиб, фаолият юритиш учун тайёр бўлди.

У қандай солиқларни тўлаши назарда тутилган?

ХУСУСИЙ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ УЧУН СОЛИҚЛАР

– Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали айланмадан олинган солиқни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Айланмадан олинган солиқ танланган бўлса, у 4%лик ставка бўйича тўланади (СК 462-м., 467-м.).

Корхонани рўйхатдан ўтказиш чоғида айланмадан олинган солиқни тўлаш танланмаган бўлса, у фойда солиғи ва ҚҚС тўлайди. Бунда таълим хизматларини кўрсатишдан олинган тушум 90%ни ташкил этса, у фойда солиғи-

нинг ноль даражали ставкасини қўлаши мумкин (СК 59-м., 337-м.).

Таълим хизматларини кўрсатиш ҚҚС бўйича имтиёзли айланма ҳисобланади (тегишли лицензия мавжуд бўлган тақдирда), шу сабабли хизмат ҚҚСиз кўрсатилади.

МТМ айланмадан олинган солиқни ёки фойда солиғи ва ҚҚСни тўлашдан қатъи назар, корхона СКда белгиланган тартиб бўйича мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланган учун солиқни, ижтимоий солиқ ва солиқ агенти сифатида ЖШДни белгиланган тартибда тўлаши лозим.

«Norma Davlati Nashriati» МЧЖ оммавий офертасига ИШОВА

2020 йил « _____ » _____

(Объясните, пожалуйста, как будет реализован проект строительства нового учебного корпуса образовательного учреждения)

(Сведения описи имущества, учред. номер и т.д. указываются)

АСОСИЙ АВАЛ ҚИЛГУВИ

ТМСОЛИД

«Солиқ ва божжона хабарлари» газетасининг 2020 йил 28 июлидаги 30 (1354)-сонига эълон қилинган оммавий офертга шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилиши халда 2021 йил учун қўйилган шартларга ойна бўлади:

Индекс	Наврийнинг номи	2021 йил учун ойна нархи (тўлов суммаси) МҲТЭМ(дол)	Нускалар миқдори (дона)	Умумий сўмиа (сўм)
186	«Солиқ ва божжона хабарлари» ва «Norma маълумотлари» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
184	«Солиқ ва божжона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
197	«Norma маълумотлари» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Norma» газеталари (йилга 52 сон)	2,3		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилга 52 сон)	1,6		
173	«Norma» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сўмиа ҚҚС билан _____ сўмиа ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (бошқа хабарлар билан аниқ қилиб тўндирилади): _____

Мингтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(Ишбундан, ўзбекистон, қўра, давлат манзил, ў.б. кв. лави)

Мўжгад _____

4. Боғланиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____ (Ф.И.Ш.)

ОБЪЕКТИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____

ИФУТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк коди _____

(ваколатли мансубдор шахс извоси, тўлиқ фангилик, исми ва оиласи исмининг бош хабарлари)

М.Ҳ. _____

АМИР ТЕМУР КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШГАН?

Шундай чора-тадбирлардан бири сифатида давлат органлари ходимларининг ойлик маошлари олдий хизматчиларникидан ўн, юз ҳатто минг баробаргача кўпайтирилган. Амир Темур салтанат саройидаги давлат учун манфаати тегадиган кучли арбоблар ва олимларнинг маошлари кўтариш орқали порахўрлик ва бошқа иллатларнинг олдини олишга, уларни муносиб тақдирлашга ҳаракат қилган.

Шу тариқа, фармон ҳамда қонунларда мансабдор шахснинг мансабига қараб ҳақ тўлаш, унинг шахсий ва интимиқ жавобгарлиги, совғалар олиши масаласи меъёрлаштирилган. Шунингдек, марказий ва маҳаллий давлат органлари тизимини ташкил этишда давлатга қарши жиноятлар ҳамда коррупциянинг олдини оладиган қонуний асослар яратилган.

Амир Темур коррупцияга қўл урган авлодларини ҳам аямаган

Амир Темур давлатида вақти-вақти билан сўров, текшириш, афтиш, терговлар ўтказиб турилган. Ўз амалини сунистеъмом қилиш, порахўрлик қабили оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Сунистеъмом қилиш райят орасидагина эмас, Темур авлодлари орасида юз берганида ҳам улар тегишли жазоларга тортилганлар.

Чунончи, Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ, невараси амирзода Пирмуҳаммад лавозимларини сунистеъмом қилганликлари, фуқаро ва давлат манфаатини ҳимоя қилишда совуққонликка йўл қўйганликлари учун ҳазрат соҳибқирон томонидан қаттиқ жазоланганликларини темиршунос тарихчиларнинг аксарияти, ҳатто Амир Темур шахсиятини унчалик ҳур кўрмаган осеълик ва европалар тарихчилар ҳам қайд этидилар.

Эркин Азимовнинг «Амир Темур салтанати» китобида Соҳибқироннинг коррупцияга қарши кураш жараёнида қўллаган чораларидан бири баён этилган. Унда қайд этилишича, Амир Темур ҳар гал сафардан қайтганда Самарқанд аҳолисининг аҳволидан хабар олар ва маълум кунларда арзчиларни қабул қилар эди. Бу қабул пайтида шаҳар ҳокими ва амалдорлар оддий халққа нисбатан қандай муомала қилаётганини билиб олар эди.

Оддий дехқонлардан бир гуруҳи мироблар ишидан норози эдилар. Мироблар ариқларни тўсиб, ким пора берса, уларга сув очиб бераётган эдилар. Бу қинғирлик одам ўлдириш каби оғир жиноят билан тенг эди. Амир Темур бу оғир жиноятни кўриб чиқар, ҳолис кишиларни – саййидларни чақирар ва улар иштирокида одил ҳукм чиқариб, айбдорни шу ерда жазолаб, Зарафшон дарёсига ташлаб юборишга фармон берар эди.

Соҳибқирон коррупцияга қарши жамоатчилик назоратини кучайтиришга интилан



Амир Темур мансабини сунистеъмом қилиб, давлат ва халқ ҳақиқа хиёнат қилган шахсларни қандай мансаб эгаси бўлишидан қатъи назар, жазосиз қолдирмасди. Масалан, 1404 йили Самарқандда бўлган Испания қироли Генрих III нинг элчиси Луи Гонсалес де Клавихо Амир Темурнинг

1404 йил 9 октябрь куни ўз мансабини сунистеъмом қилиб, давлатга хиёнат қилган амалдорларни халқ кўзи олдида жазолагани ҳақида гувоҳлик беради. «У, – деб ёзади Клавихо, – Самарқанд империясида энг катта одам эди. Темурбек бундан олти йилу ўн бир ой аввал уни алқалд (вазир) этиб тайинлаб кетган эди. У бўлса шу вақт ичида мансабини сунистеъмом қилди».

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида баён этилишича, Амир Темур олим-уламолар билан суҳбатларидан бирида сўзлаган нутқида: «Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг сунистеъмом қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳам менидан кўра сизларга аёндр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди», дейди. Демак, Амир Темур коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратидан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаган.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ.

Ў.А.

Ҳар бир давлат коррупцияга қарши ўз ҳолича курашиб келади. Натижада қайсидир давлатда бу иллатга деярли барҳам берилган бўлса, қаердадир у «гуллаб-яшнаш»да давом этади. Коррупцияга қарши курашиш борасида баъзиларнинг тажрибасига назар ташлайлик.

КИМ ҚАНДАЙ КУРАШАДИ?

Сингапур тажрибаси

Коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш намунаси сифатида Сингапурдаги ислохотларни кўрсатиш мумкин. Бу давлат қисқа вақт ичида Осиёнинг қолоқ мамлакатидан дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланди. Бунинг замирида эса коррупцияга қарши кураш ётади.

Ҳукумат бу борада махсус дастур ишлаб чиққан бўлиб, унга кўра барча даражадаги амалдорларнинг фаолияти тўлиқ шаффоф бўлиши таъминланди. Коррупцион алоқалар илдиз отмаслиги учун мажбурий ротация тартиби жорий этилди. Барча даражадаги амалдорларнинг фуқаролар билан муносабатларида тизимли назорат ўрнатилди ва турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланиши учун бу муносабатлар механизми такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, барча мансабдорларнинг маошлари сезиларли даражада оширилди, суд тизими мустақиллиги таъминланди, пора олганлик ва берганлик учун жазо кескинлаштирилди. Шу билан бир вақтда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб турувчи мустақил ОАВ шакллантирилди.

Сингапур етакчиси Ли Куан Юнинг коррупция устидан ғалаба қозонишни истаган инсон ўз қариндошлари ва яқин дўстларини ҳам қамашга тайёр бўлиши кераклиги ҳақидаги машҳур ибораси мамлакатда коррупцияга қарши кураш аёвсиз бўлганидан далolat беради.

Хитой тажрибаси

Агар Сингапурда коррупциячи амалдор маълум бир муддатга қамок жазосини олган бўлса, Хитойда бунинг учун бир умрлик қамок ёки ўлим жазоси жорий этилган. Маълумотларга кўра, 2003 йилдан бери бу давлатда 10 мингга яқин мансабдор отувга ҳукм қилинган, 120 минг нафари эса узоқ муддатларга қамалган. Айрим ҳолатларда пора билан ушланган амалдорларнинг қўллари чопилган.

Хитойликлар пора олиш иллатига қарши курашиш бўйича махсус курсларга қатнашади. Давлат хизматчилари руҳий ва жисмоний машқлар орқали ақл ва таналарини соғломлаштиради. Шунингдек,



Коррупция ҳақида шингил фактлар

- Тарихчи Геродотнинг ёзишича, эрамыздан аввалги VI асрда ҳукмдорлик қилган Эрон шоҳи Камбиз Сизам исмли қозини пора олгани учун терисини шилиб олишни ва у ўтирган қозилик курсисини ўша тери билан қоплашни буюрган. Қозилик лавозимига эса порахўрлик нима билан яқун топишни ҳаммиша ёдда тутини учун Сизамнинг ўғли Отан тайинланган;
- Жаҳон банки маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича олинган бир йиллик пора миқдори 1 трлн доллардан ортиқроқни ташкил этади. Порахўрликка қарши фаол кураш олиб бориладиган мамлакатнинг ЯИМ бир йил ичида 5 бараварга ошади.

Хитойда онлайн-ўйин ишлаб чиқилган бўлиб, ўйин шартларида порахўр амалдорлар бутун қариндошлари билан қириб ташланишлари керак бўлади.

Ҳонгконг тажрибаси

Хитойнинг шундоққина ёнида жойлашган Ҳонгконг ҳам коррупцияга қарши курашда эришган муваффақиятлари билан мақтанса арзийди – илгари мамлакатнинг деярли барча давлат идоралари коррупция ботқоғига ботганди. Бу ботқоқдан чиқиш учун қуйидаги чоралар амалга оширилди: давлат амалдорлари барча мол-мулкни (хусусан, автомобиль ва бошқа қимматбаҳо буюмларини) ҳалол йўл билан топган маблағларига сотиб олганини исботлаб бериши лозим. Агар буни исботлай олмаса, уни қамок қутади ва барча мол-мулки мусодара қилинади.

1974 йилда бу ерда «Коррупцияга қарши мустақил комиссия» ташкил этилган бўлиб, комиссия офицерлар ҳамда зиёлилар ва бизнесменлардан ташкил топган. Улар ўта катта миқдорда маош олади ва фақатгина губернаторга бўйсунди.

Ҳонгконг аҳолиси ва ОАВ вакиллари порахўрликка қарши курашиш учун кенг имконият берилган – фуқаролар пора сўраган амалдор устидан комиссияга шикоят қилиши, журналистлар эса ҳар қандай амалдор фаолияти юзасидан текширув ўтказиши мумкин. Натижа эса ҳайратланарли – 30 йил ичида порахўрлик даражаси 90 фоиздан 3 фоизга тушган.

Дания тажрибаси



Данияда қонунга сўзсиз итоат қилиш, жамиятнинг барча аъзолари томонидан ахлоқ тамойилларига риоя қилиш жамиятнинг самарали бошқаришнинг асосий услуби ҳисобланади. Ижтимоий маъқедадан қатъи назар, қонун олдида ҳамма бирдек жавобгар бўлиб, маъмурий ёки жиноий ҳаракати учун масъулиятдан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Машинасида тезликни оширгани учун Дания қироличасининг ўғли, шаҳзода Йоахим жарима тўлаган ва матбуотнинг кескин танқидига учраган. Турмуш ўртоғи ўз фермасида хорижлик ишчиларни рўйхатдан ўтказмасдан ишлатгани учун вазирлардан бири истеъфода чикишга мажбур бўлган.

Интернет материаллари асосида.

ПОЧТА КУТИСИ

ТАШҚИ САВДО КОНТРАКТИ – РЕЭКСПОРТ

? Қайси фаолият ва қандай битимлар ташқи савдога тааллуқли ҳисобланади? Товарларни реэкспорт қилиш режимида олиб чиқиш ҳам ташқи савдо битимларига қирадими? Агар қирса, реэкспорт қилиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлади? Бунда божхона божлари тўланадими?

– Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга ошириладиган халқаро савдо соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир («Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-м.).

Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида низомда (ВМнинг 14.05.2020 йилдаги 283-сон қарорига 1-илова) ташқи савдо контрактлари атамасига тушунча берилган. Ташқи савдо контрактлари — ҳўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт, импорт, экспорт ва импорт биржа (ярмарка), экспорт консигнация, марказлаштирилган экспорт ва импорт, бартер, қайта ишлаш контрактлари, шунингдек товарларни республика ҳудудида етказиб бериш назарда тутилган экспорт контрактлари.

Реэкспорт божхона режими шундай режимки, бунда божхона ҳудудига илгари олиб кирилган товар ёхуд божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарни қайта ишлаш маҳсулоти божхона ҳудудидан божхона божлари ва солиқлар тўланмаган, товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб чиқилади.

Товарлар, улар божхона ҳудудига олиб кирилган ташқи савдо контрактга мувофиқ реэкспорт божхона режимига жойлаштирилади.

Реэкспорт режимига жойлаштирилган товарларни божхона ҳудудидан амалда олиб чиқиш божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан 6 ойдан кечиктирмай амалга оширилади (БК 32-м.).

Маълумот учун. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига ёки вақтинча олиб кириш божхона режимига турган товарларни реэкспорт қилиш товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома олинмаган ҳолда амалга оширилади.

Товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига БЮДни ва товарнинг кузатув ҳўжатларини тақдим этади. Рухсат этиш хўсусиятига эга тегишли ҳўжатлар бўлган тақдирда реэкспорти амалга ошириладиган товарларга нисбатан божхона органларининг ахборот тизимида бундай ҳўжатларнинг мавжудлигини божхона органи мустақил равишда текширади (БКнинг 34-м.).

Реэкспорт божхона режимига жойлаштирилган товар божхона божлари ва солиқлар тўлашдан озод этилади.

Илгари эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган товар реэкспорт



қилинаётганда, товарнинг амалда реэкспорт қилинаётган қисмига нисбатан тўланган божхона божлари ва солиқлар суммаларини қайтариш БКнинг 49-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Айни бир вақтнинг ўзида қуйидаги талаблар ва шартларга риоя этилиши керак:

- товарнинг реэкспорти уни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириш маълум қилинган кундан эътиборан 2 йил ичида амалга оширилаётган бўлса;
- товар божхона ҳудудида ишлатилмаган ва таъмирланмаган бўлса, бундан товарни қайтаришга сабаб бўлган нуқсонларни ёки бошқа ҳўлатларни аниқлаш учун товарни ишлатиш зарур бўлган ҳўлар мустасно.

Товар божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан 6 ой давомида амалда олиб чиқилмаган тақдирда, мазкур товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилгандаги каби божхона божлари ва солиқлар тўланади (БК 35-м.).

Шуни ҳисобга олиш зарурки, товар ёки уни қайта ишлаш маҳсулоти божхона органи идентификация қила оладиган тақдирдагина товар реэкспорт қилинишига йўл қўйилади. БК 74-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган ҳўлар мустасно. Яъни божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилган товарни уни қайта ишлаш маҳсулотларида идентификациялаш қуйидаги ҳўларда талаб этилмайди, агар:

- улар БКнинг 77-моддасига мувофиқ қайта ишлаш учун олиб кирилган товарга эквивалент товарни қайта ишлаш натижасида олинган бўлса;
- ишлаб чиқаришнинг узлуксиз циклига тааллуқли технологик жараёндан қайта ишлаш учун фойдаланиётган бўлса;
- божхона ҳудудида ўхшаш ва (ёки) айнан бир хил қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини истисно этадиган ноёб технологик жараёндан қайта ишлаш учун фойдаланиётган бўлса.

Авария ёки энгиб бўлмас куч таъсири оқибатида шикастланган ёки бузилган товарнинг реэкспортига йўл қўйилади, бундай ҳўлат ваколатли орган томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Илгари эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган товарни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга қуйидаги ҳўларда йўл қўйилади, агар (БК 33-м.):

- контракт (шартнома, келишув) шартлари бажарилмаган бўлса;
- товар божхона ҳудудида ишлатилмаган ва таъмирланмаган бўлса, бундан товарни қайтаришга сабаб бўлган нуқсонларни ёки бошқа ҳўлатларни аниқлаш учун товардан фойдаланиш зарур бўлган ҳўлар мустасно;
- товар ўзгармаган ҳўлатда турган бўлса, бундан унинг нуқсонлари аниқланган ҳўлар мустасно.

✓ 30 ИЮЛЬ – ЖАҲОН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

МАЪРИФИЙ ИММУНИТЕТ ҲОСИЛ ҚИЛИБ...

Одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган XXI асрнинг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Меҳнат миграцияси ҳамда тезкор ахборот алмашинуви жиноятнинг мазкур тур меъримонига сув қўяётгандек гўё.



Республикамызда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича идораларо комиссия бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда. Хўсусан, Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан бошқа ҳўкукни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ушбу муҳим йўналишда тегишли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқармаимизнинг чегара божхона постлари ходимлари Ўзбекистон Республикасидан узоқ муддатга ишлаш мақсадида хорижда кетаётган 861 нафар фуқаро билан яққа тартибда суҳбатлар ўтказиб, хорижда ишлашнинг қонуний асослари, одам савдоси жиноятнинг замонавий кўринишлари, бундай ҳўракатларни амалга оширишда жиноятчилар томонидан қўлланилаётган усул ва воситалар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, бошқарманинг масъул ходимлари ва божхона постлари ходимлари маҳалла фаоллари иштирокида Сирдарё, Сайхунбод, Ховос, Оқолтин туманлари ҳамда Гулистон шаҳрида бир неча мартаба давра суҳбатлари ва профилактик тадбирларни ўтказишди.

Ўтказилаётган бу учрашувларда асосий эътибор ёш авлодга мазкур турдаги жиноятларга нисбатан маърифий иммунитетни шакллантиришга қаратилаётди.

И.ГИЁСОВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси тезкор вакили.

<p>СОЛИК ВА ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳўкукий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧК</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Раъно ИСМАИЛОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимархон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
---	--	---	---	---